*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 21 (20.888) 1991 йил 30 январь, чоршанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

## *ШУ КУННИНГ НАФАСИ*

*Янгиликлар, воқеалар, хабарлар*

# ҲАММАСИГА ЎЗИМИЗ ЕТИШИМИЗ КЕРАК

## Ўзбекистон Президенти Ислом КАРИМОВ билан суҳбат

**— Ислом Абдуғаниевич, бугунги кунда ҳозирча ҳал этиб бўлмаётган масалаларнинг энг асосийларидан бири — марказ ва республикаларнинг ўзаро муносабатлари принциплари бўлиб қолмоқда. Сиз йирик республикалардан бирининг президенти сифатида мана шу принципларни ишлаб чиқишда энг муҳим масалалар нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?**

— Энг аввало, шуни айтишим керакки, мамлакат келажаги—агар истасангиз, барча ҳуқуқларга эга бўлган, аммо шу ҳуқуқлардан бир қисмини марказга берадиган тенг ҳуқуқли республикалар ёки давлатлар иттифоқидадир. Фақат ўзимизгина кўпгина масалалар битта республика доирасида ҳал этиб бўлмаслигини тушуниб олишимиз учун пишиб етилишимиз лозим. Булар, масалан, коммуникациянинг ягона системаси, энергия таъминотидир.

Албатта, ўз армияларимизни тузишни ва ташкил этишни эълон қилишимиз мумкин. Бироқ уларни таъминлаш, энг асосийси, замонавий ҳарбий техника билан жиҳозлаш, ҳарбий буюртмалар учун миллиардлаб сўмни тўлаш ва бу буюртмаларни ишлаб чиқиш, ўйлайманки, бугунги кунда мутлоқ кўпчилик республикаларнинг қўлидан келмайди. Мен ҳарбий-сиёсий жиҳатдан бу иш бемаъни эканлигини гапираётганим йўқ. Умуман олганда эса ўнта ёки ўн бешта турли армиялар мавжудлигининг ўзи хавф-хатар туғдиради. Ҳозирги пайтда чет элларда ва ўнлаб мамлакатларда ўз элчихоналаримиз ва ваколатхоналаримизни барпо этиш учун реал имкониятлар йўқ, деб ҳисоблайман. Умуман эса, бунга ҳожат ҳам йўқдир.

Барча учун умумий бўлган муаммолардан ташқари минтақаларга хос муаммолар ҳам мавжудки, уларни якка-якка тартибда ҳал этиб бўлмайди. Мисол учун бизнинг минтақани олайлик. Мен бу ўринда Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қозоғистон жанубини назарда тутмоқдаман. Бу ерда юз минглаб ўзбеклар истиқомат қилади. Шу боис масалаларнинг бутун бошли мажмуи кўндаланг бўлиб турибди. У, энг аввало, орадан ўн беш йил ўтгач, минтақа аҳолиси икки баравар кўпайиши, яъни 60 миллион кишига етиши билан боғлиқдир. Шунча аҳолини иш, уй-жой, сув билан қандай қилиб таъминлаш мумкин? Маълумки, бу пайтга келиб сув суғориш у ёқда турсин, ҳатто маиший-рўзғор эҳтиёжларига ҳам етмай қолади.

Айнан Иттифоқ минтақа республикалари куч-ғайратларини мазкур узоқ муддатли ва ниҳоятда қийин масалаларни ҳал этишга сафарбар қилиши ва ушбу хаттиҳаракатларни мувофиқлаштириб туриши мумкин. Ҳозирга қадар ушбу масалалар комплекс ҳолда кўриб чиқилган эмас. Ҳар бир республика ўз ҳудудида нималардир қиляпти. Лекин муаммолар умумий бўлганлигидан уларни якка тартибда ҳал этиб бўлмайди. Шу пайтгача биз бу йўналишда жиддий фундаментал тадқиқотларга эга эмасмиз.

Яна бир карра қайтариб ўтаманки, у ёки бу вазифаларни ва ҳуқуқларни марказга бериш зарур эканлигини ўзимиз тушуниб етишимиз керак. Акс ҳолда биз ваколатлар ва вазифаларни бир-биридан ажратиш тўғрисидаги баҳслар исканжасидан ҳеч қачон қутула олмаймиз.

**— Шу муносабат билан сиз Иттифоқ шартномасини имзолаш имкониятларини қандай баҳолайсиз?**

— Менинг фикрим шундай: агар марказда амалда шартномани энг аввал бошданоқ имзолашни истаганларида эди, бу шартнома имзоланган бўларди. Ахир, мамлакат раҳбарияти бир йилга етар-етмас муддат олдин янги Иттифоқ шартномасини имзолаш ғоясига салбий муносабатда бўлган эди-да. Ўша пайтда аввалги, 1922 йилда имзоланган шартнома турганда, биз учун янги шартноманинг нима кераги бор, эски шартнома ҳаммани қониқтиради, фақат уни янгилаш керак деб, неча марталаб таъкидланган эди.

**— Кейин эса янги шартнома лойиҳаси пайдо бўлди. У маслаҳатлашувлар пайтида келишиб олиш жараёнидан ўтди. Ҳар ҳолда Ўзбекистонни ҳозирнинг ўзидаёқ Иттифоқ шартномасини имзолашга тайёр турган бир нечта республика қаторида тилга оладилар.**

— Мен, ушбу маслаҳатлашувлар нима берди, умуман улар нима учун керак эди, деб савол бермоқчиман. Гап шундаки, марказда расмий жиҳатдан гапларимизга қулоқ солган бўлсаларда, кейин эса ҳеч нима бўлмагандек шартноманинг ўзлари яратган вариантини тиқиштирдилар. Унда биз таклиф этган нарсаларнинг бирортаси ҳам ҳисобга олинмаган.

Бу тадбир карларнинг мулоқотини эслатади. «Келишиб олиш»нинг бундай жараёни чексиз-чегарасиз давом этиши мумкин.

Хуллас, мен, шартномани имзолашга тайёрмиз, деб айтиш учун ҳозирча асос йўқ, деб ҳисоблайман.

**— Сиз ўз нутқларингиздан бирида марказда номаълумликни сақлаб қолишдан манфаатдор кишилар бор, деб айтдингиз. Хўш, улар кимлар эканлигини аниқлаш мумкинми?**

— Энг аввало, бу кишилар унитар давлат қолдиқларини зўр бериб сақлаб қолишни истовчилардир. Улар бизларга ўзларининг Иттифоқ тўғрисидаги қарашларини зўр бериб тиқиштирмоқдалар.

Биздаги тартиб узоқ йиллар мобайнида алоҳида синфни — бошқарувчилар синфини шакллантирди. Бу синфнинг моддий оқимларни тартибга солиш, ресурсларни қайта тақсимлаш ҳуқуқи фақат уларгагина тегишли эканлигига ишончи комилдир. Бундай шахслар қўлга киритган ҳокимиятларини ўз ихтиёрлари билан ҳеч қачон бериб қўймайдилар.

Мен шундай фикрдаман: агар биз ҳақиқатан ҳам бозор муносабатларига ўтишни истар эканмиз, маъмурий системанинг энг асосий воситаси ва таянчи бўлган Давлат режа қўмитасини тубдан ислоҳ қилишдан ташқари, айни пайтда кўпгина Иттифоқ тармоқ вазирликларини тугатишимиз лозим. Чунки, бу вазирликларнинг фаолиятини амалда республикаларда ҳам такрорлашяпти. Биз шундай қилсак, ишонингки, ҳеч қандай фалокат юз бермайди.

**— Бир пайтлар республика Молия вазирлигига, сўнгра эса Давлат режа қўмитасига раҳбарлик қилган кишининг бундай таклифи ишончли кўринади.**

**Ислом Абдуғаниевич, Иттифоқ шартномаси мавзуига қайтар эканмиз, яна бир нарсани сўрашни хоҳлардим: янги шартнома тайёрланаётганда айнан қайси таклифлар ҳисобга олинмаган?**

— Ўзбекистон ўз ҳудудидаги барча табиий бойликларга ҳамда республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга эгалик қилиши керак. Бу асосий талабдир. Аммо гап бу талабларнинг қабул қилиниши ёки қабул қилинмаслигида ҳам эмас. Шу пайтгача Иттифоқ қандай бўлади-ю, унинг «муассислари» қанча бўлиши керак, деган масалада ҳам келишиб олингани йўқ. Ўзини иттифоқдош республика деб ҳисоблаётган ёки шундай бўлишни истовчилар кўпайиб боряпти. Мухториятларнинг бу интилишини Олий Кенгаш раҳбарияти фаоллик билан қўллаб-қувватламоқда. Эҳтимол, бу тўғридир. Аммо федерация субъектлари миқдори мунтазам суратда кенгайиб борадиган бўлса, у ҳолда бизда қачонлардир ўзаро келишиб олиш имконияти умуман бўладими, йўқми?

Айни пайтда ўтган Съездда ва сессияда бизларни кўндириш учун кўп уринишди. Иттифоқ шартномаси ҳамма нарсани кўзда тутган, тезроқ уни имзоланглар, деб ҳоли-жонимизга қўйишмади. Боз устига биз, республикаларнинг раҳбарларига қарама-қарши қилиб Иттифоқ парламентини қўйишга ҳаракат қилишди. Эҳтимол, четдан қараганда бу сезилмаган бўлиши мумкин. Аммо мен шахсан буни яхшигина ҳис этдим. Ҳамма вақт, шартнома барча учун зарур, улар эса, яъни, бизлар уни ушлаб турган эмишмиз, қандайдир шартлар қўйиб имзоламаётган эмишмиз, деган тезис кўндаланг бўлаверди.

Масалан, «Союз» гуруҳи вакилларидан бири минбарга чиқиб олиб, ҳе йўқ, бе йўқ, мустақиллик ҳақидаги гап-сўзларни тўхтатинглар, деб чўрт кесди. Гўёки, мустақиллик халқларнинг қонуний тарзда ифодаланган иродаси эмас, балки айрим саркорларнинг ўйлаб топган бўлмагур нарсаси эмиш.

Ўзларини синф ёки ижтимоий гуруҳлар билан биргамиз, биз, ишчилармиз... биз, ҳарбийлармиз... биз, ҳайдовчилармиз... дея айюҳаннос солган айрим депутатларнинг нутқларини эшитар экансан, бизда сафсатабозлик нега бунчалик авж олиб боряпти, деб ўйлаб қоласан киши. Булар шунчаки, сафсата эмас, балки ниҳоятда агрессив, ижтимоий жиҳатдан хавфлидир. Улар янги тўқнашувларга олиб боришдан бошқа ишга ярамайди.

**— Боши берк кўчадан чиқиш йўли борми?**

— Менинг фикримча, Шаталин дастурида, шубҳасиз, мантиқли қисм бор. У иқтисодий битимга келишдир. Биз, бу ғояни тўла-тўкис қўллаб-қувватладик. Аммо ушбу дастурдаги «карахтлик терапияси»га қўшилмадик.

**(Давоми иккинчи бетда).**

*Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

# АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ 550 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк шоир, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги нишонланиши муносабати билан меҳнаткашлар ва жамоаларнинг таклифларини инобатга олиб:

— 1991 йил Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида Алишер Навоий йили деб эълон қилинсин;

— юбилей тантаналари шу йилнинг сентябрь ойида ўтказилсин.

**Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри. 1991 йил 29 январь.

*Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

# АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт ва санъатни янада ривожлантириш, унинг ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак, кенг миқёсли асарлар яратишга ижодий куч-ғайратларни сафарбар этишдаги мавқеини ошириш мақсадида ҳамда жумҳуриятда ижроия ва идора ҳокимияти тузилишини такомиллаштиришга оид тадбирлар амалга оширилаётганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Навоий номли ва Ҳамза номли Давлат мукофотлари комитети Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетига айлантирилсин.

Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Қодирий номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти таъсис этилсин. Ҳар бири 7 минг сўм бўлган учта мукофот миқдорида уч йилда бир марта Қодирий номли мукофотни бериш кўзда тутилсин.

Қуйидагилар:

а) адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Президентининг фармонларига мувофиқ берилади. Фармонлар Навоий, Қодирий ва Ҳамза таваллуд топган кунларда жумҳурият матбуотида эълон қилиниб, радио ва телевидение орқали эшиттирилади;

б) адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг таркиби уч йил муддатга тасдиқланади;

в) Навоий, Қодирий ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларини бериш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тушган таклифларни ана шу мукофотлар тўғрисидаги низомларга қатъиян мувофиқ равишда кўриб чиқиш ва тайёрлашга оид барча ишлар комитет зиммасига юклатилади;

г) комитет мукофотларни бериш тўғрисидаги таклифлар юзасидан қарорлар қабул қилади, уларни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига киритади;

д) адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифлар юзасидан кўпчиликнинг яширин овоз бериши билан қарор қабул қилади, овоз беришда комитет аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашади.

е) комитет ҳузурида Навоий, Қодирий ва Ҳамза номли жамғарма бўлади. У Навоий, Қодирий ва Ҳамза, Ўзбекистон маданияти бошқа атоқли арбобларининг асарларини мамлакатда ва чет элларда тарғиб қилиш, ижодкор зиёлилар ва истеъдодли ёшлар фаолиятига бутун чоралар билан кўмаклашиш учун маблағ тўплашни ўз мақсади деб билувчи юридик шахс ҳисобланади, деб белгилаб қўйилсин. Жамғармага тушадиган маблағлар ва моддий бойликларга давлат солиқлари ва бошқа солиқлар солинмайди.

Навоий ва Қодирий номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари тўғрисидаги низомларда ушбу мукофотлар Ўзбекистоннинг ҳаёти, адабиёти, санъати ва архитектураси билан боғлиқ машҳур асарлар учун иттифоқдош жумҳуриятлар ва хорижий мамлакатларнинг маданият арбобларига ҳам берилиши мумкинлиги кўзда тутилсин.

Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари тўғрисидаги;

адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Қодирий номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари тўғрисидаги;

адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари тўғрисидаги;

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети тўғрисидаги янги низомлар тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг янги таркиби тасдиқлансин.

Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети Қодирий номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреатининг кўкракка тақиладиган нишони ҳамда дипломининг баёни ва нусхасини ишлаб чиқиб, уни Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДАН**

Алишер Навоийнинг 550 йиллигини байрам қилиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига мувофиқ, меҳнаткашларнинг истакларини инобатга олиб, адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети шуни хабар қиладики, 1991 йилги Навоий номли мукофотлар шу йилнинг сентябрь ойида ўтказиладиган буюк мутафаккир шоирнинг юбилей тантаналари олдидан берилади.

# АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН АСАРЛАР КОНКУРСИ

**● Ўзбекистон Маданият вазирлиги буюк шоир ва муносабати билан Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий конкурс эълон қилади. Қуйида конкурс шартлари билан танишасиз.**

**● БУЮК шоир ва аллома Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятини акс эттирувчи тўла метражли бадиий фильм сценарийси ҳамда саҳна асарлари (пьесалар) учун конкурс эълон қилади. Конкурс 1991 йил январь ойидан бошлаб 1992 йилнинг январь ойигача давом этади.**

**Конкурсда етук ёзувчилар, ёш қаламкашлар иштирок этишлари мумкин.**

**Алишер Навоий шахсини ҳар томонлама ёритиш, тарихий ҳаққоний акс эттириш бадиий маҳорат конкурсининг асосий шартларидан биридир. Муаллифлар жанр танлашда чекланмайдилар. Қўлёзмаларни ёзув машинкасида 2 оралиқ (интервал) масофада кўчирилган ҳолда 4 нусхада, муаллифнинг исм-шарифи алоҳида конвертда аллома Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги фаолиятини акс эттирувчи саҳна ва кино асарлари учун қуйидаги манзилга жўнатилишини сўраймиз: Тошкент—129, Навоий кўчаси 30 уй, жумҳурият Маданият вазирлиги.**

**Конкурс ҳайъати томонидан баҳоланган энг яхши асарларга қуйидаги учта пул мукофоти белгиланган:**

**Биринчи мукофот — 5 минг сўм**
**Иккинчи мукофот — 3 минг сўм**
**Учинчи мукофот — 2 минг сўм**

**Мукофотланган асарлар Маданият вазирлиги томонидан қўшимча равишда шартнома асосида сотиб олинади ва жумҳурият театрлари ва киностудияларига тавсия этилади.**

**Конкурсга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.**

# ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК, ХАЛҚ ОРАСИДАГИ ОБРЎНИ ОШИРАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримовнинг Тошкент вилоят партия комитетида вилоятдаги шаҳар ва район партия комитетларининг котиблари, вилоят партия комитети бюроси аъзолари, Тошкент вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосарлари ва вилоят партия комитети аппарати ходимлари билан учрашувида муҳокама қилинган асосий масала интизомни мустаҳкамлаш ва халқ орасида обрўни ошириш масаласи бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари А. С. Ефимов, А. И. Икромов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси Ш. М. Йўлдошев қатнашдилар.

Кўп масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Вилоятдаги ишларнинг аҳволи таҳлил этилиб, вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятга тақидий баҳо берилди.

Интизомнинг бўшаштириб юборилганлиги, партия ташкилотлари етакчилик ролининг пасайганлиги, раҳбарларга нисбатан талабчанликнинг етарли эмаслиги, вилоятда ишлаб чиқаришнинг кескин камайишига, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича режаларнинг бажарилмай қолишига сабаб бўлганлиги таъкидланди.

Вилоят партия комитетининг бюроси, вилоятдаги шаҳар ва район партия комитетлари бузғунчи кучларнинг ҳаракатларига муросасозлик билан қараётганликлари, ўзларининг ғаразли мақсадларини кўзлаётган сафсатабозларга, халқни партияга ва ҳокимият идораларига қарама-қарши қўйишга интилувчиларга қатъий зарба бермаётганликлари айтиб ўтилди.

Партия комитетлари барча масалаларда мустаҳкам позицияда туришлари, интизомни қатъият билан мустаҳкамлашлари, партия раҳбарларининг обрўсини оширишлари керак, дейилди учрашувда. Ҳозирги пайтда вазиятни барқарорлаштириш, кескинликни камайтириш, меҳнаткашлар оммасини партия ташкилотлари тевирагида жипслаштириш ва партия сафларини мустаҳкамлашдан муҳимроқ вазифа йўқ. Ҳозирги вақтда коммунистлар партияси ва барча партия фаоллари, партия комитетининг ҳар бир котиби, ҳар бир партия ходими иштирок этиши лозим.

Одамлар жиноятчиликка, турли суиистеъмолларга қарши қатъий кураш олиб борилишини кутмоқдалар. Савдода, ижтимоий неъматларни тақсимлашда тартиб ўрнатадиган, ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлайдиган пайт келди. Бу жуда муҳим вазифадир. Милициядаги, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги ходимларни янгилаш, уларнинг таркибини халқ манфаатларига содиқ одамлар билан мустаҳкамлаш керак.

Учрашув чоғида вилоятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг ўткир муаммоларини ҳал этиш тадбирлари белгиланди.

*Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

**ЎРТОҚ А. Н. ИСАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўртоқ Анатолий Нигматович Исаев Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри.
1991 йил 28 январь.

# ҲАММАСИГА ЎЗИМИЗ ЕТИШИМИЗ КЕРАК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Мен шунга аминманки, бундай «терапия» Ўрта Осиё шароитларига тўғри келмайди. Нисбатан яқиндагина иқтисодий битимларни имзолаш учун реал шароитлар бор эди. Бу шартномага ҳатто Болтиқбўйи республикалари ҳам қўшилиши мумкин эди. Эндиликда эса, айниқса, Болтиқбўйидаги сўнгги воқеалардан сўнг бу имкониятлар бой берилди.

**— Сиз умуман олганда Литва ва Латвияда рўй берган воқеаларни қандай баҳолайсиз?**

— Биз бу масалани ўзимизда, Олий Кенгашда муҳокама қилдик. Шахсан мен мустақиллик у ёки бу кишиларнинг ҳуқуқларини камситиш, «бегона» ёки «бошқа» халқларни қисиб чиқариш асосида қўлга киритиладиган бўлса, бундай мустақиллик тарафдори эмасман. Лекин, бир томондан— конституцион нормалар, инсон ҳуқуқлари бузиладиган бўлса, бошқа томондан — муросасизлик, тоқатсизлик юз берса, бундай мустақиллик тўғрисидаги қоидага ҳам қўшила олмайман. Айрим сиёсий ва жамоат ташкилотларининг тоқатсизлик қилиб марказни арзномалар ва қатъий талабларга кўмиб ташлашларини, айниқса, қўллаб-қувватламайман.

Агар жамиятдаги партия ёки жамоат ташкилоти армияга мурожаат қилиш, ўз манфаатларини ҳимоя этиш учун куч ишлатадиган бўлса, бундай жамиятнинг ҳолига вой. Бундай жамиятда адолатни қарор топтириб бўлмайди. Унда диктатурага йўл очилади. Биз ана шундай хаттиҳаракатлар билан диктатурага йўл очиб берган бўламиз.

**— Ислом Абдуғаниевич, Ўрта Осиё республикалари, шу жумладан, Ўзбекистонни консерваторлар жумҳурияти деб атаётганликларини айтсам, сиз учун ҳеч қандай янгилик бўлмаслиги мумкин? Республика Олий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида бозор муносабатларига ўтишнинг тасдиқланган дастури мана шундай баҳо учун асос беради. Бозорга босқичма-босқич ўтишни кўзда тутувчи мазкур дастурни туб ўзгаришлар ясовчи ҳужжат деб бўлмайди. Менинг билишимча, сизнинг ўзингиз бозорга ўтишни жадаллаштиришга қарши бир неча марта фикр билдиргансиз.**

— Қизиқ, нима учун ҳозир ҳеч ким бизнинг «ўта илғор» бўлган пайтларни эсламайди? Албатта, биз ўз хоҳишимизга зид ўлароқ феодал тузумдан капитализмни четлаб ўтиб, бевосита социализмга, яна нима денг, ривожланган социализмга ўтказилган эдик. Бизнинг мисолимизда бутун бошли тарихий босқичларни қандай қилиб тезликда ҳатлаб ўтиш мумкинлигини кўрсатиш учун учинчи дунё мамлакатларидан делегацияларни республикамизга бетўхтов олиб келишарди. Бироқ, тарихни алдаб бўлмайди. Каллага ақлли фикр келди, дарров жамият тараққиётида янги даража бошланди, деб эълон қилиш билан иш битмайди. Консерватизмдан халос бўлиш учун капитализмнинг «азоб-уқубатли» босқичини ўтиш керак. Капитализм эса ўзига хос бўлган барча нуқсонлари билан бирга иқтисодиётни қайта ўзгартиради, энг муҳими эса тафаккурни ўзгартиради.

«Сакраб ўтиш» ғояси эса (бу ғоя юзасидан неча ўнлаб диссертациялар ёқланган) республика учун оғир, ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлди. Жумҳурият иқтисодиётида бир томонлама пахта яккаҳокимлиги қарор топди. Турмушнинг деярли барча соҳаларида бошқа хато ва нуқсонларни келтириб чиқарди.

Бироқ, бошқа томондан эса, ҳозирча хусусийлаштириш тўғрисида гап сотилаётганда, айнан бизда, «консерваторлар» жумҳуриятида дастлабки хусусий корхоналар пайдо бўлди. Биз дўконларни ва майиший хизмат кўрсатиш соҳасини хусусийлаштиришни бошлаб юбордик. Фақат ўтган йилнинг ўзида 170 минг гектар ерни оилаларга мерос қолдириш ҳуқуқи билан ижарага бердик. Биз бу рақамни ярим миллион гектаргача етказмоқчимиз. Сўнгги пайтларгача ерларнинг бор-йўғи 4,5 фоизида деҳқончилик қилган шахсий хўжаликлар республикадаги озиқ-овқат ресурсларининг 40 фоизигача берганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ерларнинг умумий салмоғида бундай участкалар ҳажми қандай тош босишини, улар икки баравардан кўпроқ ошишини билиб оламиз.

Умуман фақат хусусий мулк эгасигина ёки шундай мулкка эга бўлиш учун барча имконияти бор одамгина меҳнатни сева олади. Ҳеч нима—на хусусий уй, на ўзига муносиб даромад керак бўлмаган одам эса ижтимоий жиҳатдан хийла хавфли бўлади. Бунга имоним комил.

Биз ўтган йил апрелдан бошлаб давлат-кооператив корхонаси мақомига эга 170 та район майиший комбинатлари ташкил этдик. Уларга бемалол эркин ҳаракат қилишлари учун шароит яратилди. Бу комбинатлар амалда барча ишларни бажарадилар. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмларини кўпайтириш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш билан бирга айни пайтда биз учун ниҳоятда муҳим бўлган иш билан таъминлаш муаммосини ҳам ҳал этади.

**— Ҳар ҳолда иқтисодиётни тубдан эмас, балки аста-секинлик билан ислоҳ қилиш негизида чуқур иллат бор. Аввал битта-яримтага, кейин бошқаларга, сўнгра эса учинчиларга бозор эркинлигини берар экансиз, сиз бозорга ўтаётган жамиятнинг ўша қисмини камситган бўласиз. Бундай камситиш эса ижтимоий тиғизликнинг деярли кафолатланган манбандир.**

— Назарий жиҳатдан мен сиз билан ҳамфикрман. Барча нархларни ёки кўпгина нархларни биратўласи ошириш яхши бўлиши тўғрисидаги фикрга ҳам қўшилишим мумкин. Кейинчалик бу нархлар бозор рақобати таъсирида туша бошлайди. Бироқ назарий асослар нақадар тўғри бўлмасин, бизнинг тузумимиз кўплаб боқимандаларни тарбиялаб етиштирганлигини унутмаслик керак. Бу боқимандалар турли кафолатлар ва қонунлар йўл қўйиб бериши туфайли юзага келган, эндиликда умуман яхши ҳаёт учун бозор курашида қатнашишни истамайдилар. Улар кескин ўзгаришларга тайёр эмаслар, аксинча, ўзгаришларга етарли даражада самарали қаршилик кўрсатадилар, деб ўйлайман.

Бундан ташқари бозорга ўтиш йўлларини танлаганда ўзимизга хос хусусиятларни ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас эди. Мен ўз иш жойимда ҳар бир кунни иқтисодиётдан ёки сиёсатдан эмас, балки республика Ички ишлар вазирлиги маълумотларидан бошлайман. Энг аввало, уёқ-буёқда тўқнашувлар, муштлашувлар бўлган-бўлмаганлиги, одамлар жабр кўришганмийўқми, энг муҳими можарода қайси миллатлар кишилари қатнашганлиги билан қизиқаман. Бу ерда осойишталикка осонликча эришиб бўлмайди. Жуда кичик бўлсин, агар шундай тушунча умуман ўринли бўлса,— озгина қон тўкилса ҳам бунинг оқибати катта бўлади. Агар одамларни ғазаб ва нафрат, ўч олиш иштиёқи қамраб олса, ҳар қандай режалар, ҳар қандай олижаноб ниятлар, барча ислоҳотлар сариқ чақага ҳам арзимайди. Ўрта Осиёда фақат барқарорлик шароитидагина олға қараб ҳаракат қилиш мумкин.

**— Республика дуч келаётган кўпгина муаммоларни у ёки бу даражада Рашидов номи билан боғлашади. Бошқа томондан эса, айтишларича, Ўзбекистонда раҳбарлик қилиб турган пайтидаги унинг роли қайта кўриб чиқилмоқда, унинг обрў-эътиборини тиклашга интилмоқдалар.**

— Рашидовга нисбатан муносабат Ўзбекистон Компартияси XXII съездида, республика Олий Кенгашининг учинчи сессиясида белгилаб берилган. Мен бу баҳоларга қўшиламан. Бу баҳоларнинг моҳияти шундан иборатки, Рашидов шахсиятини у яшаган ва ишлаган даврдан айрича ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас.

Мен шуни айтишим керакки, бизга зарба бўлиб тушган энг оғир танглик иқтисодий эмас, балки республика Ички ишлар вазирлиги маълумотларидан бошлайман. Энг аввало, уёқ-буёқда тўқнашувлар, муштлашувлар бўлган-бўлмаганлиги, одамлар жабр кўришганмийўқми, энг муҳими можарода қайси миллатлар кишилари қатнашганлиги билан қизиқаман. Бу ерда осойишталикка осонликча эришиб бўлмайди. Жуда кичик бўлсин, агар шундай тушунча умуман ўринли бўлса,— озгина қон тўкилса ҳам бунинг оқибати катта бўлади. Агар одамларни ғазаб ва нафрат, ўч олиш иштиёқи қамраб олса, ҳар қандай режалар, ҳар қандай олижаноб ниятлар, барча ислоҳотлар сариқ чақага ҳам арзимайди. Ўрта Осиёда фақат барқарорлик шароитидагина олға қараб ҳаракат қилиш мумкин.

**— Республика дуч келаётган кўпгина муаммоларни у ёки бу даражада Рашидов номи билан боғлашади. Бошқа томондан эса, айтишларича, Ўзбекистонда раҳбарлик қилиб турган пайтидаги унинг роли қайта кўриб чиқилмоқда, унинг обрў-эътиборини тиклашга интилмоқдалар.**

— Рашидовга нисбатан муносабат Ўзбекистон Компартияси XXII съездида, республика Олий Кенгашининг учинчи сессиясида белгилаб берилган. Мен бу баҳоларга қўшиламан. Бу баҳоларнинг моҳияти шундан иборатки, Рашидов шахсиятини у яшаган ва ишлаган даврдан айрича ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас.

Мен шуни айтишим керакки, бизга зарба бўлиб тушган энг оғир танглик иқтисодий эмас, балки маънавий тангликдир. Асрлар мобайнида қарор топган ахлоқий-маънавий қадриятларни ғоявий қарашларга қурбон қилиш оқибатларини бартараф этиш иқтисодиётни тартибга келтиришдан кўра анча машаққатли бўлади. Ахир, яқиндагина эмасмиди, коммунист, айниқса, агар у юқорироқ лавозимда бўлса, ўз яқин кишилари билан охирги марта видолашиш учун қабристонга ҳам боролмасди. Дафн маросимида иштирок этиш энг катта айб саналиб, бу кишини партиядан ўчириб, ишдан бўшатишарди. Виждон азобидан сал бўлсада қутилиш учун, айни пайтда йиллар бўйи меҳнат қилиб эришган имтиёзларидан маҳрум бўлмаслик учун одамлар қариндош-уруғлари, ҳатто ота-оналари вафот этганда касалхонага ётиб олишар ёки «шошилинч» командировкага кетиб қолишар эди. Ана шундан кейин ҳам биз, одамлар ҳеч нимага ишонмай қўйишган, уларда ҳеч қандай муқаддас нарса йўқ, деб айтишга қандай тилимиз борар эди?

Бинобарин, динга нисбатан иккиюзламачилик энг хунук шакллар тусини олди. Республиканинг қўшни Афғонистон телекўрсатувларини томоша қилиш имкониятига эга бўлган бир ярим миллион аҳолиси у ерда Совет Армияси масжидлар қураётганини ёки қайта тиклаётганини ўз кўзлари билан кўриб туришди. Бу пайтда эса бизда масжидлар бузиб ташланди. Бу 1988 йилгача давом этди.

**— Мен сизнинг фикрингизга қўшиламан. Лекин бунинг Рашидов муаммосига қандай алоқаси бор?**

— Жудаям бевосита алоқаси бор. Пахта билан боғлиқ 24 мингта жиноий иш қўзғатилганда, ҳақиқий жиноятчилар билан бирга уларнинг қурбонлари ҳам бараварига қамоққа олинди. Бизнинг раҳбарларимиз эса Москвага пахта плани бажарилиши қандай бораётганлиги тўғрисида ҳисоб бергандай шунча минг киши ҳибсга олинди, шунча-шунчаси партиядан ўчирилди, мазмунида мунтазам равишда ахборот бериб турдилар.

**— Шундай бўлсада, жазоланганларнинг ҳаммаси ҳам ноҳақ қамалмаган-ку?**

— Тўғри. Бироқ бу нарса айбсиз кишиларни таъқиб этишни оқлай олмайди. Айбсиз таъқиб этилганлар эса юзлаб ва минглаб кишилардир. Биз фақат кейинги пайтнинг ўзида айбсиз ҳукм қилинганларга, ҳозир эса қамоқдан озод этилганларга, оқланганларга бир ярим миллион сўм пул товон тўлашга мажбур бўлдик.

**— Нима десак деяйликку, турғунлик ёки ўзгача йилларда рўй берган воқеа-ҳодисаларни кечириш ёки унутиш—босиб ўтилган йўлни қайтариш имконияти учун замин тайёрлаш бўлади.**

— Тўғри, лекин нима учундир Брежнев тўдасидан айнан Рашидовни бошқаларга қараганда кўпроқ эсга олмоқдалар. Унинг кўзга кўринган бошқа сафдошлари ҳозир ё жамоатчилик диққат-эътиборидан четда бемалол яшамоқдалар ёки ҳатто фаол сиёсий ҳаётга қайтдилар. Биздагилар бундай «номутаносиблик»да адолатсизликни кўрмоқдалар.

**— Агар саволим сизга қўполроқ туюлса, мени кечиринг. Бироқ баъзи мухолифларингиз Рашидовга нисбатан сиздаги маълум вазминликни ўз қўлингизда жуда кўплаб раҳбарлик лавозимларини жамлаганлигингиз билан боғламоқдалар. Сиз ҳам Президент, ҳам республика маҳкамасининг бошлиғи, ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котибисиз.**

— Менинг фикримча, ўтиш даври ҳамда мамлакатда ва республикамизнинг ўзида қарор топган хавфли вазият шундай қилишни тақозо этди. Унинг энг асосий сабаби шундадир.

Мен шу маънода Иттифоқ даражасида бошқарув структурасини қайта ташкил этишни қўллаб-қувватлайман. Шундай қилинса, у юзага келган вазиятга энг кўп даражада жавоб берган бўлади.

**— Сиз шу туркумдаги барча чора-тадбирларни маъқуллайсизми?**

— Ҳаммасини эмас. Масалан, СССР Президенти ҳузуридаги Назорат палатаси, унинг жойлардаги мухтор вакиллари вазифаларини тўла-тўкис тушуниб етганим йўқ. Бу нима, улар «оқ пошшо» ёки генерал-губернатор вакилларига ўхшайдиган кишиларми?

Шунга ишонаманки, биз кучли федерацияда яшашимиз мумкин ва яшаймиз ҳам. Янгиланган негиздаги бу бирлашма тезроқ ва ҳеч кимга оғир тушмаган шаклда вужудга келиши учун бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўладиган шериклик муносабатлари зарур. Бундай муносабат ҳам ёнламасига, ҳам бўйига бўлиши керак.

**Суҳбатни «Известия» махсус мухбири М. БЕРГЕР олиб борди.**

**(«Известия», 1991 йил 29 январь).**

---

# Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг комитетида

Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитетининг мажлиси бўлди.

Мажлисни шу комитет раиси Ҳ. М. Усмонова бошқарди.

Комитетнинг 1990 йилги фаолияти ҳақидаги ҳисобот муҳокама қилинди, 1991 йил иш режаси, шунингдек ушбу комитет тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Мажлис қатнашчилари «СПИД касаллигининг олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини, «Ўзбекистон ССРда давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақидаги ахборотни муҳокама қилдилар.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда ССР Олий Кенгаши ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чоралар ҳақидаги қарорларининг, Ўзбекистон ССР Президентининг болалар, аёллар, кўп болали оилалар ва ногиронларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга қаратилган фармонларининг амалга оширилишини мунтазам назорат қилиб боришнинг муҳимлиги таъкидланди.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилашга, соғлиқни сақлаш ва спортнинг моддий базасини мустаҳкамлашга, аҳолининг болаларга аталган озиқ-овқат маҳсулотлари ва шифобахш таомларга, дори-дармонларга эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

**(ЎзТАГ).**

---

# ЖУРНАЛИСТНИНГ ЎРНИ— ОЛДИНГИ МАРРАДА

**Ўзбекистон журналистларининг саккизинчи съездини навбатдаги съезд дейиш мумкин. Бироқ бу аслида фавқулодда съезд бўлди, у мустақил уюшма ташкил этилганлигини эълон қилди.**

Бутунлай мустақил равишда қарорлар қабул қилиш ва иш олиб бориш тўғрисида, сиёсий ёки давлат тузилмаларидан ва «марказий» ижодий ташкилотдан мустақиллик ҳақида гап бормоқда. Бундай интилиш давр тақозоси бўлиб, уни ҳамма маъқулламоқда. Бутуниттифоқ ташкилоти ўз мақомини ўзгартираётганлиги — бундан буён у журналистлар уюшмалари конфедерациясига айлантирилиши диққатга сазовордир. Демак, ҳамкорлик ва ҳамдўстлик тўла-тўкис, бироқ тенг ҳуқуқлилик ва мустақиллик асосида сақланиб қолади. Республикамиз Журналистлар уюшмаси ҳам янги конфедерацияга киришга тайёр эканлигини билдирди.

Шу тариқа, биз Бутуниттифоқ ижодий ташкилотларидан энг каттаси демократиялаш йўлидан олга томон яна бир қадам қўйганлигининг гувоҳи бўлдик. Республиканинг мустақил, ўзиниўзи бошқарадиган профессионал ташкилотлари тегишли шартнома тузиб, юксак мақсадларга эришиш йўлида ўз куч-ғайратларини, ижодий имкониятларини бирлаштирадилар. Бу — сўз ва матбуот эркинлиги қоидаларининг амалдаги тасдиғи; журналистларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий-маиший манфаатлари, уларнинг ор-номуси ва қадр-қиммати ҳимояланиши; ахборот олиш ва уни тарқатиш, ўзининг касб вазифаларини бажаришда ҳамма жойга бемалол бориш; матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари ходимларининг ижодий ўсишига кўмаклашиш ҳуқуқига кафолотдир.

Ўз сафларида тўрт мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган Ўзбекистон журналистларининг янгиланган уюшмаси — ушбу съездгача амал қилиб келган аввалги уюшманинг ворисидир.

Якдиллик билан шундай қарорга келинди, сўнгра қизғин мунозара бошланди. Делегатлар кун тартибининг навбатдаги бандларини муҳокама қилар эканлар, асосий масалада якдил бўлдилар, бироқ, белгиланган мақсадларга эришиш йўлларини турлича тасаввур этдилар... Шуни рўй-рост айтиш керакки, эҳтиросларнинг кўпинча авж олиб кетди, микрофонлар олдида сўзга чиқиш учун навбатга туришди, айрим нотиқлар баъзан бир ёқлама фикрлар айтишди. Аммо соғлом фикр устунлик қилди —мунозарада асосий эътибор яна журналистиканинг энг муҳим муаммоларига қаратилди.

Барча фикрлар эътибор билан тингланиб, таққосланиб сўнгра баҳо берилганлигини ва делегатлар бирганликда асосий ҳужжатларнинг аниқ баёнини ишлаб чиққанликларини таъкидлаймиз. Ана шу ҳужжатлардан баъзиларини қуйида келтирамиз.

— Уюшма дастури қуйидагиларни эълон қилади: республика ижодий ташкилоти уюшманинг ички ташкилий ижодий ишига тааллуқли масалаларга нисбатан ўз нуқтаи назарига эга бўлган ҳолда СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституцияси, совет қонунлари доирасида иш кўради;

— уюшма қайта қуриш ғоялари тантана қилиши, соғлом кучлар бирлашиши, умумбашарий қадриятлар, фуқаролар тотувлиги қарор топиши манфаатларини кўзлаб матбуот кенг демократия, умумхалқ ошкоралигининг чинакам минбари бўлиши учун барча ишларни қилади;

— уюшма Ўзбекистон ССР Давлат тили тўғрисидаги Қонун мунтазам рўёбга чиқарилишига, республикада истиқомат қилувчи барча халқлар[illegible] ҳурмат билан муносабатда бўлишга ва уларни ривожлантиришга, рус тилидан миллатлараро мулоқот ва халқлар ўртасида ҳамкорлик тили сифатида фойдаланишга кўмаклашади.

— уюшма олий таълим системасида журналист кадрлар тайёрлаш масалаларида кенг ваколатларга эга бўлиш учун курашади ва айни пайтда ижодий лабораториялар, семинарлар, мактаблар ташкил этиш соҳасида таниқли журналистларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлайди;

— бошқа республикалар, хорижий мамлакатларнинг журналистлар ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш доимо уюшманинг диққат марказида бўлади.

— Уюшма журналист бурчини виждонан бажаришни, матбуотда эълон қилинган ёки эфирда эшиттирилган ҳар бир сўз учун масъулиятни оширишни фуқаролик ва касб шарафи иши деб ҳисоблайди. Ушбу банд касб ахлоқ-одоби ва ҳуқуқи республика кенгашини ташкил этишда ўзининг аниқ ифодасини топди.

Янги низомда журналистларнинг мақсадга эришиш йўллари ва вазифалари белгилаб берилган. Бунда бошланғич ташкилотлар ва ижодий шўъбаларнинг мавқеи оширилишини алоҳида таъкидлашни истаймиз. Улар оммавий ахборот воситалари ходимларини касб манфаатлари, ижод турлари ва жанрларига қараб бирлаштиришлари зарур.

Низомга ёзиб қўйилган яна бир муҳим қоида шундан иборат: уюшманинг нашриёт, тижорат, хўжалик фаолияти белгиланган ажратмалар ва бадаллар билан бир қаторда уюшма фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг негизи бўлиб, ижодий ташаббус даромад манбаидир.

Шуларнинг ҳаммаси журналистлар жамғармасини тўлдиради. Уюшманинг янги низомида унинг моддий-техникавий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш тўғрисида, журналистларнинг ижодий муддаоларини рўёбга чиқариш учун иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий, маиший шарт-шароитларни яратиш ҳақида ғамхўрлик ўз ифодасини топган. Уюшма жамғармаси пенсияларга қўшимча ҳақ тўлашни ўз зимасига олиб, журналистика факультетлари ва бўлимларининг истеъдодли талабаларига стипендиялар таъсис этади. Делегатлар муҳарририятлар штатида ишламаётган фахрийларни аъзолик бадалларини тўлашдан озод қилиш мумкин, деб ҳисобладилар. Журналистлар уйи қурилиши тўғрисидаги хабар ҳаммани мамнун қилди.

Дастлаб съезднинг кун тартибига саккизта масала қўйилган эди. Сурхондарё делегациясининг илтимосига биноан минтақанинг экология ҳолати тўғрисидаги тўққизинчи масала киритилди. Тожикистонлик ҳамкасбларга мурожаатнома ана шу масала муҳокамасининг натижаси бўлди. Мурожаатномада туташ минтақаларда экология вазиятини соғломлаштиришда ҳамкорлик қилишга даъват этилган.

Уюшма раҳбар органларини сайлаш съезд ишида энг ўткир масала бўлди. Ҳудудий ташкилотлар бошқарув аъзоларига 80 кишидан иборат номзодлар рўйхатини таклиф этдилар. Бошқарув аъзолари асосан рўзнома ва ойномаларнинг муҳаррирларидан бўлар эди. Делегатлар рўйхатга бир қанча машҳур публицистлар, репортёрлар ва очеркнависларнинг номларини қўшимча қилдилар. Натижада яна 17 номзод кўрсатилди. Бироқ, бунда «ҳеч кимни хафа қилмаслик учун» эндигина қабул қилинган низомдан чекинишга тўғри келди. Кўпчилик яширин овоз беришдан қўл кўтариш йўли билан ошкора овоз беришни афзал кўрди. Бутун рўйхат овозга қўйилди ва барча 97 номзод бошқарув таркибига кирди. Бундан сал илгарироқ эса раҳбар органларни кенгайтирмаслик зарурлиги айтилган эди. Нима ҳам дердик, бошқарувга сайланган ҳамкасбларимиз бошқарув таркибида ўзлари учун аниқ иш топишга шай бўлишларини тилаймиз.

Уюшма раҳбарларини — бошқарув раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш мамлакат парламентидаги қизғин мунозараларни эслатди. Бу эса низом руҳига — раҳбарларни муқобиллик асосида сайлашга мувофиқ бўлди. Ҳақиқатан ҳам эндигина янги мақомга эга бўлган ижодий уюшмани ким бошқариши йиғилиш аҳлини бефарқ қолдира олмас эди.

Делегатлар биринчи лавозимга уч нафар журналист — «Пионер Востока» рўзномасининг собиқ муҳаррири, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сектор мудири Лутфулла Кабиров, Ўзбекистон ССР халқ депутати Жаҳонгир Маматов, «Учительская газета» рўзномасининг махсус мухбири Анвар Усмонов номзодларини кўрсатдилар. Даъвогарлар ўз дастурларини баён этиб, саволларга жавоб қайтардилар.

Сайлов қизғин ўтганлигини берилган овозлар кўрсатди — Л. Кабиров атиги бир овоз кўп олиб, уюшма бошқарувининг раҳбари бўлди.

Делегатлар бошқарув раисини сайлашга шунчалик берилиб кетдиларки, қолган лавозимларга номзодларни муқобиллик асосида кўрсатмадилар. Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари этиб Фарида Абдураҳимова, раис ўринбосари этиб Ўзбекистон ССР журналистлар жамғармасининг раиси Орифжон Муҳаммаджонов сайландилар.

...Янгиланган ижодий уюшманинг бутун иши съезддаги мунозара сингари қатъият ва жўшқинлиги билан ажралиб туришини тилаймиз. Журналистнинг мавқеи аниқравшан, сўзи салмоқли ва масъулиятли, ўрни эса олдинги маррада бўлишини истаймиз.

**Э. ТУХВАТУЛЛИНА, Е. ЕФИМОВ.**
**ЎзТАГ мухбирлари — съезд делегатлари.**

---

ТАНИШИНГ: РЕСПУБЛИКА ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ ЛУТФУЛЛА КАБИРОВ.

# ДАСТЛАБКИ РЕЖАЛАР

**Маълумки, куни кеча Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг VIII съезди ўз ишини якунлади. У ўзига хос ўткир фикрлашувлар, тортишувлар руҳида ўтди. Демократия ва ошкораликни рўёбга чиқараётган қалам соҳиблари олдинда турган муаммолару, қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида икки кунлик анжуманда фикрлашиб олдилар. Анжуманда уюшмага Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида ишлаб келаётган, СССР Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаларининг аъзоси, фалсафа фанлари номзоди Лутфулла Боситович Кабиров раис этиб сайланди. Мухбиримиз унга бир неча савол билан мурожаат**

**— Аввало кўп сонли муштарийлар номидан сизни журналистлар уюшмасига раис этиб сайланганингиз муносабати билан чин дилдан табриклаймиз.**

— Раҳмат.

**— Сиз мустақил ижодий уюшмани қандай тасаввур этасиз?**

— Аввалги уюшма фаолиятидаги энг яхши ишларни асос қилиб, янги режалар тузмоқдамиз. Албатта, уюшмамиз мустақил бўлганлиги катта ютуғимиздир. Мен уюшма бошқарув бўғинларига етук мутахассислар сайланганлигидан хурсандман. Чунки улар журналистнинг ҳаётини жуда яхши билишади. Албатта, шу ўринда янги уюшма журналистларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишига биринчи навбатда эътибор беради, деб ишонтираман. Чунки, бундай олиб қарасангиз, журналистдан кўра ҳимояга муҳтож кишилар кам бўлади. Айниқса, район, шаҳар, вилоят рўзномаларида ишлаётганларнинг фаолияти билан танишиб чиқсангиз, уларнинг аҳволи ночорлигидан афсусланасиз. Оддийгина ёзув машинкалари, фотоаппаратлар етишмайди, транспорт таъминоти ҳам кўнгилдагидек эмас. Менимча, биринчи навбатда жойлардаги журналистларга шароит яратиш керак.

Съездда журналистлар уйи қурилиши ҳақида гаплар айтилди. Албатта, бу яхши гап. Чунки ўз аъзолари сони жиҳатидан бизнинг уюшмамиздан камсонли бўлган бошқа ижодий уюшмалар ўз уйларига эга. Биздачи?

Кейинги икки-уч йил ичида журналистлар уйини қуриб битказиш учун барча ҳаракатимизни қиламиз. Ижодий фаолиятимизга келсак, рўзнома ва ойномаларда тўпланган ибратли тажрибалар, талант соҳибларининг маҳоратлари бизнинг келгуси ишимизда асос бўлиб хизмат қилади.

**— Ўзингиз ҳақингизда икки оғиз гапириб берсангиз?**

— Мен 1973 йилда Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетини тамомладим. Асосан мутахассислигим бўйича иш олиб боряпман, бир неча йил «Пионер Востока» рўзномасида муҳаррирлик қилдим. Москвадаги ижтимоий фанлар академияси аспирантурасида ўқиб, фалсафа фанлари номзоди бўлдим. Ёшим қирқда. Икки ўғил, бир қизим бор.

**— Суҳбатингиз учун раҳмат!**

**Суҳбатни Д. ҚИРҒИЗБОЕВ ёзиб олди.**

---

# ЎЛКАМИЗНИ ЯШИЛ ЛИБОСГА БУРКАЙЛИК

Ҳадемай баҳор келиб, кунлар исиғач, ҳар бир киши ўз томорқасини тартибга келтиргиси келади. Уни кўркам қилишга интилади. Ерга уруғ қадайди, дарахт экади, гул ўтказади. Зеро дов-дарахтлар, бута ва гуллар ўлкамиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшади. Муҳими, улар жамики жонзот учун зарур бўлган ҳавони тозалайди, кислород ажратиб беради, кўплаб табиат эҳсонларини етказиб беради.

Ҳозирча ўлкамизда қиш. Бу фасл ўтган йили кўчат экиш, уни парваришлашда, йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш йўлларини қидириш учун етарли фурсат. Кўклам бошланишигача қолган қарийб бир ойлик муддат ичида барча тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказиш зарур.

Куни кеча Ўзбекистон ССР Олий Советида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда ана шулар ҳақида гап борди. Мажлисда республика кўчат ўтказиш ва кўкаламзорлаштириш штаби аъзоларининг ишлаган ишлар юзасидан ҳисобот беришди, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди. Хўжаликларга, корхоналарга, аҳолига кўчат етказиб бериш, уларни боғ-роғларга ишлов беришда қўлланиладиган асбоб-ускуналар билан таъминлаш, турли ҳашаротларга қарши курашда кўмаклашиш юзасидан режалар белгиланди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, республика кўчат ўтказиш ва кўкаламзорлаштириш штабининг раиси Б. И. Бугров олиб борди.

**Ш. МИРҲАБИБОВ.**

---

# ОЛОВКОРЛАР ТУҲФАСИ

Наманган газлаштириш бирлашмаси меҳнат жамоаси ўтган йили вилоят аҳолисини табиий газ билан таъминлашни бирмунча яхши йўлга қўйди. Қарийб 115 километр масофада газ қувурлари ётқизилди. Қишлоқлардаги 6,5 мингга яқин хонадонда «зангори олов» ёна бошлади.

Бироқ ҳали олдинда турган вазифалар улкан. Агар эҳтиёт қисмлар, биринчи навбатда газ қувурлари ўз вақтида етказиб бериб турилса, ишлар янада ривож топган бўлур эди. Бирлашма аҳли бу муаммони тезроқ ҳал қилишга интиляпти. Шу мақсадда бор имконият ва резервлар ишга солинмоқда.

Оловкорлар шу йилнинг ўзидаёқ Норин, Тўрақўрғон, Косонсой, Янгиқўрғон, Уйчи, Задарё ва Поп районларида газлаштириш бўйича катта ишларни амалга оширишни мўлжаллаб туришибди. 1991 йилда бу районларнинг ҳудудларида 370 километрлик газ қувурлари ётқизилиб, қарийб 21 минг хонадонга табиий газ уланади.

**Т. СУЛАЙМОНОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.**

---

**МАКТУБ ТОПШИРИЛДИ**
**● ВАШИНГТОН**

**Бу ерда СССР ташқи ишлар вазири А. А. Бессмертних АҚШ президенти Ж. Буш билан учрашди. Совет вазири унга СССР Президенти М. С. Горбачевнинг мактубини топширди.**

Оқ уйдаги суҳбатдан сўнг А. А. Бессмертних ва АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер журналистлар ҳузурида олий даражадаги учрашув ҳақида қуйидаги қўшма ахборотни ўқиб эшиттирдилар: «СССР Президенти М. С. Горбачев ва АҚШ Президенти Ж. Буш аввал февраль ойига мўлжалланган Москвадаги олий даражадаги Совет—Америка учрашуви кейинроқ, 1991 йилнинг биринчи ярмида бўлиб ўтади, деган ўзаро келишувга эришдилар. Форс қўрфазидаги уруш сабабли президент Ж. Буш Вашингтонда бўлиши керак. Бундан ташқари стратегик ҳужум қуролларига доир шартноманқ тайёрлаш иши яна бирмунча қўшимча вақтни талаб этади. Тегишли вақтда СССР ва АҚШ президентлари олий даражадаги учрашувнинг аниқ муддатларини белгилайдилар».

# Хорижда

**ФОРС ҚЎРФАЗИ: УРУШ ҚАНЧА ДАВОМ ЭТАДИ?**
**● НЬЮ-ЙОРК**

**Ироқ президенти Саддам Ҳусайн Американинг Си-Эн-Эн телекомпанияси мухбири билан суҳбатда Форс қўрфазидаги уруш қанча узоқ давом этишини билмайман, лекин «иккала томондан ҳам кўп қон тўкилади» деди, деб хабар беради АП агентлиги. У Ироқнинг ғалаба қозонишига ишончи комиллигини ҳам тасдиқлади.**

Саддам Ҳусайн билан суҳбатлашган Питер Арнеттнинг гапларига қараганда, Ироқ раҳбари Бағдод Исроил ва Саудия Арабистонини ўққа тутаётган ракеталар ядровий, кимёвий ва биологик каллакларни элтишга қодир, деб уқтирган.

**(ТАСС).**

# СССР Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси

28 январь куни СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида СССР Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Президент нефть қазиб чиқарувчилар тушиб қолган, газ саноати ходимлари тобора кўпроқ дуч келаётган мураккаб ва қийин аҳволдан қутилишга имкон берадиган аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш учун қатъий муддатларни белгилаб берди.

Мажлис қатнашчилари — Бош вазир В. С. Павлов, унинг ўринбосарлари, РСФСР Вазирлар Кенгашининг Раиси И. С. Силаев, Иттифоқ ва республикалар халқ депутатлари, вазирликлар ва идоралар, концернларнинг раҳбарлари, энг йирик нефть ва газ қазиб чиқарувчи ишлаб чиқариш бирлашмаларининг бош директорлари, олимлар нефть ва газ саноати ишини барқарорлаштириш чоралари тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Ошкора, манфаатдорлик билан ўтган суҳбат чоғида халқ хўжалигининг бу етакчи тармоқларидаги энг қийин нуқталар белгиланди, нефть қазиб чиқариш даражасининг камайиши ва газ қазиб чиқариш суръатлари ўсишининг сусайиши сабаблари таҳлил қилинди. Мажлис қатнашчилари вужудга келган аҳволдан чиқишнинг аниқ йўлларини излашга асосий эътиборни қаратдилар. Тармоқларни пул билан таъминлаш, уларнинг моддий-техника ресурслари билан таъминланиши, шунингдек нефть ва газ қазиб чиқарувчи районларни озиқ-овқат ҳамда халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш муаммолари жиддий таҳлил қилинди. Айниқса нефть ва газ энг кўп қазиб чиқариладиган Тюмень вилоятида уй-жойлар ва ижтимоий-маданий соҳа иншоотларини барпо этишдаги қолоқликни акс эттирувчи, аниқ мисоллар келтирилди.

Нотиқлар жумладан конлардан нефтни тўлароқ тортиб олиш, уни чуқурроқ қайта ишлаш, шунингдек нефть ва газни тежашга доир умуммиллий дастурни барпо этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Машинасозлик ва металлургия комплекслари корхоналари нефть ва газ қазиб чиқарувчиларнинг ускуналар ва материалларга бўлган эҳтиёжларини етарли даражада қаноатлантирмаётганлиги ҳам таъкидланди, маҳсулот катта қисмининг сифати пастлиги муносабати билан асосли эътирозлар билдирилди. Бу вазифаларни ҳал этиш учун конверсия натижасида бўшаб қолаётган мудофаа комплекси қувватларини кенгроқ жалб этиш лозим. Қидириш ишлари илдам суръатлари, узоқ истиқболга мўлжалланган СССР Энергетика дастурини тайёрлашни ниҳоясига етказишни жадаллаштириш, экология муаммоларини ҳал этиш зарурлиги ҳам таъкидланди.

СССР Президенти М. С. Горбачев мажлисга якун ясар экан, нефть ва газ саноатини ривожлантириш умумиттифоқ аҳамиятига эга эканлигини, барча республикалар, барча тармоқлар, бутун аҳолининг манфаатларини акс эттиришини таъкидлади. Бинобарин, бу вазифани бутун мамлакатнинг куч-ғайрати билангина ҳал этиш мумкин.

СССР Президенти нефть ва газ комплекси барча муаммоларини икки гуруҳга: бу йил ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларга ва истиқболга мўлжалланган муаммоларга бўлди. Биринчи гуруҳ муаммолар юзасидан СССР Вазирлар Маҳкамасининг нефть ва газ қазиб чиқарувчи районларни пул ва моддий-техника билан ҳамда шу районлар меҳнаткашларини озиқ-овқат ва кундалик зарур моллар билан таъминлашни яхшилашга дахлдор қарорларни бир ҳафта муддат ичида тайёрлаш юзасидан топшириқлар берилди. Иккинчи гуруҳ муаммолар юзасидан бозор воситалари пухта амал қилиши учун аниқ шароит яратадиган, халқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўлган нефть ва газ саноати корхоналарининг барқарор, самарали ишлашини таъминлаши лозим бўлган қарорлар мажмуини биринчи ярим йиллик давомида тайёрлаш ҳақида топшириқ берилди.

(ТАСС).

*СССР референдуми Марказий республика комиссиясининг қарори*

# СССР РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГЛАРНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

**СССР референдумининг Марказий республика комиссияси Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон ССРда СССР референдумини ўтказиш ҳақида»ги 1991 йил 26 январдаги қарорига мувофиқ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1991 йилнинг 17 март куни бўладиган СССР референдумида овоз беришни ўтказиш бўйича Ўзбекистон ССРда қуйидаги округлар тузилсин:**

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

**1. Акмал Икромов округи**
(Маркази — Акмал Икромов райижроқўми, Фарҳод кўчаси, 21-уй). Акмал Икромов ноҳияси.

**2. Бектемир округи**
(Маркази — Бектемир райижроқўми, Лихачёв кўчаси, 2-уй). Бектемир ноҳияси, Бинокор шаҳар посёлкаси.

**3. Киров округи**
(Маркази — Киров райижроқўми, Энгельс кўчаси, 89-уй). Киров ноҳияси.

**4. Куйбишев округи**
(Маркази — Куйбишев райижроқўми, К. Маркс кўчаси, 59-уй). Куйбишев ноҳияси, Улуғбек шаҳар посёлкаси.

**5. Ленин округи**
(Маркази — Ленин райижроқўми, Полторацкий кўчаси, 18-уй). Ленин ноҳияси.

**6. Октябрь округи**
(Маркази — Октябрь райижроқўми, У. Юсупов кўчаси, 3-уй). Октябрь ноҳияси.

**7. Собир Раҳимов округи**
(Маркази — Собир Раҳимов райижроқўми, Қорасарой кўчаси, 279-уй). Собир Раҳимов ноҳияси.

**8. Сергели округи**
(Маркази — Сергели райижроқўми, Совет Армияси майдони). Сергели ноҳияси.

**9. Фрунзе округи**
(Маркази — Фрунзе райижроқўми, Шота Руставели кўчаси, 62-уй). Фрунзе ноҳияси.

**10. Ҳамза округи**
(Маркази — Ҳамза райижроқўми, Майна Ҳасанова кўчаси, 2-уй). Ҳамза ноҳияси.

**11. Чилонзор округи.**
(Маркази — Чилонзор райижроқўми, 2-квартал, 53-уй). Чилонзор ноҳияси.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**12. Олмалиқ округи**
(Маркази — Олмалиқ шаҳар ижроқўми) Олмалиқ шаҳри.

**13. Ангрен округи**
(Маркази — Ангрен шаҳар ижроқўми) Ангрен шаҳри, Нуробод шаҳар посёлкаси.

**14. Оҳангарон шаҳар округи**
(Маркази — Оҳангарон шаҳар ижроқўми) Оҳангарон шаҳри.

**15. Бекобод шаҳар округи**
(Маркази — Бекобод шаҳар ижроқўми) Бекобод шаҳри.

**16. Чирчиқ округи**
(Маркази — Чирчиқ шаҳар ижроқўми) Чирчиқ шаҳри.

**17. Янгиобод округи**
(Маркази — Янгиобод шаҳар ижроқўми) Янгиобод шаҳри, Красногорский, Чиғириқ шаҳар посёлкалари.

**18. Янгийўл шаҳар округи**
(Маркази — Янгийўл шаҳар ижроқўми) Янгийўл шаҳри.

**19. Оққўрғон округи**
(Маркази — Оққўрғон шаҳри, райижроқўм) Оққўрғон ноҳияси.

**20. Оҳангарон қишлоқ округи**
(Маркази — Оҳангарон шаҳри, райижроқўм) Оҳангарон ноҳияси.

**21. Бекобод қишлоқ округи**
(Маркази — Зафар шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Бекобод ноҳияси.

**22. Бўстонлиқ округи**
(Маркази — Ғазалкент шаҳри, райижроқўм) Бўстонлиқ ноҳияси.

**23. Бўка округи**
(Маркази — Бўка шаҳри, райижроқўм) Бўка ноҳияси.

**24. Ғалаба округи**
(Маркази — Солдатский шаҳри, райижроқўм) Ғалаба ноҳияси.

**25. Калинин округи**
(Маркази — Калинин шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Калинин ноҳияси.

**26. Коммунистик округи**
(Маркази — Янгибозор шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Коммунистик ноҳияси.

**27. Оржоникидзе округи**
(Маркази — Қибрай шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Оржоникидзе ноҳияси.

**28. Паркент округи**
(Маркази — Паркент шаҳри, райижроқўм) Паркент ноҳияси.

**29. Пскент округи**
(Маркази — Пскент шаҳри, райижроқўм) Пскент ноҳияси.

**30. Ўрта Чирчиқ округи**
(Маркази — Тўйтепа шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Ўрта Чирчиқ ноҳияси.

**31. Тошкент округи**
(Маркази — Келес шаҳри, райижроқўм) Тошкент ноҳияси.

**32. Чиноз округи**
(Маркази — Чиноз шаҳри, райижроқўм) Чиноз ноҳияси.

**33. Янгийўл қишлоқ округи**
(Маркази — Гулбаҳор шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Янгийўл ноҳияси.

### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

**34. Андижон шаҳар округи**
(Маркази — Андижон шаҳри, шаҳар ижроқўми) Андижон шаҳри.

**35. Ильичевск округи**
(Маркази — Ильичевск шаҳри, шаҳар ижроқўми) Ильичевск шаҳри.

**36. Ленинск шаҳар округи**
(Маркази — Ленинск шаҳри, шаҳар ижроқўми) Ленинск шаҳри.

**37. Советобод округи**
(Маркази — Советобод шаҳри, шаҳар ижроқўми) Советобод шаҳри.

**38. Шаҳрихон округи**
(Маркази — Шаҳрихон шаҳри, шаҳар ижроқўми) Шаҳрихон шаҳри.

**39. Олтинкўл округи**
(Маркази — Олтинкўл аҳоли пункти, райижроқўм) Олтинкўл ноҳияси.

**40. Андижон қишлоқ округи**
(Маркази — Қуйганёр шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Андижон ноҳияси.

**41. Балиқчи округи**
(Маркази — Балиқчи аҳоли пункти, райижроқўм) Балиқчи ноҳияси.

**42. Бўз округи**
(Маркази — Бўз шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Бўз ноҳияси.

**43. Жалолқудуқ округи**
(Маркази — Оҳунбобоев шаҳри, райижроқўм) Жалолқудуқ ноҳияси.

**44. Избоскан округи**
(Маркази — Пойтуғ шаҳри, райижроқўм) Избоскан ноҳияси.

**45. Комсомолобод округи**
(Маркази — Оқ олтин аҳоли пункти, райижроқўм) Комсомолобод ноҳияси.

**46. Қўрғонтепа округи**
(Маркази — Қўрғонтепа шаҳри, райижроқўм) Қўрғонтепа ноҳияси.

**47. Ленинск округи**
(Маркази — Ленинск шаҳри, райижроқўм) Ленинск ноҳияси.

**48. Марҳамат округи**
(Маркази — Марҳамат шаҳри, райижроқўм) Марҳамат ноҳияси.

**49. Москва округи**
(Маркази — Шаҳрихон шаҳри, райижроқўм) Москва ноҳияси.

**50. Пахтаобод округи**
(Маркази — Пахтаобод шаҳри, райижроқўм) Пахтаобод ноҳияси.

**51. Хўжаобод округи**
(Маркази — Хўжаобод шаҳри, райижроқўм) Хўжаобод ноҳияси.

### БУХОРО ВИЛОЯТИ

**52. Бухоро шаҳар округи**
(Маркази — Бухоро шаҳри, шаҳар ижроқўми) Бухоро шаҳри, Отбозор шаҳар посёлкаси.

**53. Ғиждувон шаҳар округи**
(Маркази — Ғиждувон шаҳри, шаҳар ижроқўми) Ғиждувон шаҳри.

**54. Зарафшон округи**
(Маркази — Зарафшон шаҳри, шаҳар ижроқўми) Зарафшон шаҳри, Мурунтов шаҳар посёлкаси.

**55. Когон шаҳар округи**
(Маркази — Когон шаҳри, шаҳар ижроқўми) Когон шаҳри.

**56. Навоий шаҳар округи**
(Маркази — Навоий шаҳри, шаҳар ижроқўми) Навоий шаҳри, Комсомол, Тинчлик шаҳар посёлкалари.

**57. Учқудуқ шаҳар округи**
(Маркази — Учқудуқ шаҳри, шаҳар ижроқўми) Учқудуқ шаҳри.

**58. Олот округи**
(Маркази — Олот шаҳри, райижроқўм) Олот ноҳияси.

**59. Бухоро қишлоқ округи**
(Маркази — Галаосиё шаҳри, райижроқўм) Бухоро ноҳияси.

**60. Вобкент округи**
(Маркази — Вобкент шаҳри, райижроқўм) Вобкент ноҳияси.

**61. Ғиждувон қишлоқ округи**
(Маркази — Ғиждувон шаҳри, райижроқўм) Ғиждувон ноҳияси.

**62. Конимех округи**
(Маркази — Конимех шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Конимех ноҳияси.

**63. Когон қишлоқ округи**
(Маркази — Когон шаҳри, райижроқўм) Когон ноҳияси.

**64. Қоракўл округи**
(Маркази — Қоракўл шаҳри, райижроқўм) Қоракўл ноҳияси.

**65. Қизилтепа округи**
(Маркази — Қизилтепа шаҳри, райижроқўм) Қизилтепа ноҳияси.

**66. Навоий қишлоқ округи**
(Маркази — Кармана шаҳри, райижроқўм) Навоий ноҳияси.

**67. Навбаҳор округи**
(Маркази — Бешравот аҳоли пункти, райижроқўм) Навбаҳор ноҳияси.

**68. Пешку округи**
(Маркази — Янгибозор аҳоли пункти, райижроқўм) Пешку ноҳияси.

**69. Ромитон округи**
(Маркази — Ромитон шаҳри, райижроқўм) Ромитон ноҳияси.

**70. Свердлов округи**
(Маркази — Жондор шаҳри, райижроқўм) Свердлов ноҳияси.

**71. Томди округи**
(Маркази — Томдибулоқ аҳоли пункти, райижроқўм) Томди ноҳияси.

**72. Учқудуқ қишлоқ округи**
(Маркази — Учқудуқ шаҳри, райижроқўм) Учқудуқ ноҳияси.

**73. Шофиркон округи**
(Маркази — Шофиркон шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Шофиркон ноҳияси.

### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

**74. Жиззах шаҳар округи**
(Маркази — Жиззах шаҳри, шаҳар ижроқўми) Жиззах шаҳри.

**75. Арнасой округи**
(Маркази — Ю. Фучик номли аҳоли пункти, райижроқўм) Арнасой ноҳияси.

**76. Бахмал округи**
(Маркази — Усмат аҳоли пункти, райижроқўм) Бахмал ноҳияси.

**77. Ғаллаорол округи**
(Маркази — Ғаллаорол шаҳри, райижроқўм) Ғаллаорол ноҳияси.

**78. Жиззах қишлоқ округи**
(Маркази — Учтепа аҳоли пункти, райижроқўм) Жиззах ноҳияси.

**79. Дўстлик округи**
(Маркази — Дўстлик шаҳри, райижроқўм) Дўстлик ноҳияси.

**80. Зомин округи**
(Маркази — Зомин шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Зомин ноҳияси.

**81. Зарбдор округи**
(Маркази — Зарбдор аҳоли пункти, райижроқўм) Зарбдор ноҳияси.

**82. Мирзачўл округи**
(Маркази — Гагарин шаҳри, райижроқўм) Мирзачўл ноҳияси.

**83. Октябрь округи**
(Маркази — Зафаробод шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Октябрь ноҳияси.

**84. Пахтакор округи**
(Маркази — Пахтакор шаҳри, райижроқўм) Пахтакор ноҳияси.

**85. Фориш округи**
(Маркази — Янгиқишлоқ шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Фориш ноҳияси.

### ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

**86. Қашқадарё шаҳар округи**
(Маркази — Қарши шаҳри, шаҳар ижроқўми) Қарши шаҳри, Қашқадарё шаҳар посёлкаси.

**87. Косон шаҳар округи**
(Маркази — Косон шаҳри, шаҳар ижроқўми) Косон шаҳри.

**88. Китоб шаҳар округи**
(Маркази — Китоб шаҳри, шаҳар посёлкаси) Китоб шаҳри, Октябрь қишлоғи.

**89. Муборак шаҳар округи**
(Маркази — Муборак шаҳри, шаҳар ижроқўми) Муборак шаҳри.

**90. Шаҳрисабз шаҳар округи**
(Маркази — Шаҳрисабз шаҳри, шаҳар ижроқўми) Шаҳрисабз шаҳри, Октябрь шаҳар посёлкаси.

**91. Баҳористон округи**
(Маркази — Помуқ аҳоли пункти, райижроқўм) Баҳористон ноҳияси.

**92. Ғузор округи**
(Маркази — Ғузор шаҳри, райижроқўм) Ғузор ноҳияси.

**93. Деҳқонобод округи**
(Маркази — Карашина аҳоли пункти, райижроқўм) Деҳқонобод ноҳияси.

**94. Қамаши округи**
(Маркази — Қамаши шаҳри, райижроқўм) Қамаши ноҳияси.

**95. Қарши қишлоқ округи**
(Маркази — Бешкент шаҳри, райижроқўм) Қарши ноҳияси.

**96. Косон қишлоқ округи**
(Маркази — Косон шаҳри, райижроқўм) Косон ноҳияси.

**97. Китоб қишлоқ округи**
(Маркази — Китоб шаҳри, райижроқўм) Китоб ноҳияси.

**98. Муборак қишлоқ округи**
(Маркази — Муборак шаҳри, райижроқўм) Муборак ноҳияси.

**99. Нишон округи**
(Маркази — Янги Нишон шаҳри, райижроқўм) Нишон ноҳияси.

**100. Ульянов округи**
(Маркази — Ульянов аҳоли пункти, райижроқўм) Ульянов ноҳияси.

**101. Усмон Юсупов округи**
(Маркази — Янги Миришкор аҳоли пункти, райижроқўм) Усмон Юсупов ноҳияси.

**102. Чироқчи округи**
(Маркази — Чироқчи шаҳри, райижроқўм) Чироқчи ноҳияси.

**103. Шаҳрисабз қишлоқ округи**
(Маркази — Шаҳрисабз шаҳри, райижроқўм) Шаҳрисабз ноҳияси.

**104. Яккабоғ округи**
(Маркази — Яккабоғ шаҳри, райижроқўм) Яккабоғ ноҳияси.

### НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

**105. Наманган шаҳар округи**
(Маркази — Наманган шаҳри, шаҳар ижроқўми) Наманган шаҳри.

**106. Косонсой шаҳар округи**
(Маркази — Косонсой шаҳри, шаҳар ижроқўми) Косонсой шаҳри.

**107. Учқўрғон шаҳар округи**
(Маркази — Учқўрғон шаҳри, шаҳар ижроқўми) Учқўрғон шаҳри.

**108. Ҳаққулобод округи**
(Маркази — Ҳаққулобод шаҳри, шаҳар ижроқўми) Ҳаққулобод шаҳри.

**109. Чортоқ шаҳар округи**
(Маркази — Чортоқ шаҳри, шаҳар ижроқўми) Чортоқ шаҳри.

**110. Чуст шаҳар округи**
(Маркази — Чуст шаҳри, шаҳар ижроқўми) Чуст шаҳри.

**111. Задарё округи**
(Маркази — Жумашўй шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Задарё ноҳияси.

**112. Косонсой қишлоқ округи**
(Маркази — Косонсой шаҳри, райижроқўм) Косонсой ноҳияси.

**113. Наманган қишлоқ округи**
(Маркази — Тошбулоқ шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Наманган ноҳияси.

**114. Норин округи**
(Маркази — Ҳаққулобод шаҳри, райижроқўм) Норин ноҳияси.

**115. Поп округи**
(Маркази — Поп шаҳри, райижроқўм) Поп ноҳияси.

**116. Тўрақўрғон округи**
(Маркази — Тўрақўрғон шаҳри, райижроқўм). Тўрақўрғон ноҳияси.

**117. Уйчи округи**
(Маркази — Уйчи шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Уйчи ноҳияси.

**118. Учқўрғон қишлоқ округи**
(Маркази — Учқўрғон шаҳри, райижроқўм) Учқўрғон ноҳияси.

**119. Чортоқ қишлоқ округи**
(Маркази — Чортоқ шаҳри, райижроқўм) Чортоқ ноҳияси.

**120. Чуст қишлоқ округи**
(Маркази — Чуст шаҳри, райижроқўм) Чуст ноҳияси.

**121. Янгиқўрғон округи**
(Маркази — Янгиқўрғон шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Янгиқўрғон ноҳияси.

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

**122. Самарқанд шаҳар округи**
(Маркази — Самарқанд шаҳри, шаҳар ижроқўми) Самарқанд шаҳри, Суперфосфат, Фарҳод, Хисрав шаҳар посёлкалари.

**123. Оқтош округи.**
(Маркази — Оқтош шаҳри, шаҳар ижроқўми) Оқтош шаҳри.

**124. Каттақўрғон шаҳар округи**
(Маркази — Каттақўрғон шаҳри, шаҳар ижроқўми) Каттақўрғон шаҳри, Ингичка шаҳар посёлкаси.

**125. Ургут шаҳар округи.**
(Маркази — Ургут шаҳри, шаҳар ижроқўми) Ургут шаҳри.

**126. Оқдарё округи**
(Маркази — Лойиш шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Оқдарё ноҳияси.

**127. Большевик округи**
(Маркази — Гўзалкент аҳоли пункти, райижроқўм) Большевик ноҳияси.

**128. Булунғур округи**
(Маркази — Красногвардейск шаҳри, райижроқўм) Булунғур ноҳияси.

**129. Жомбой округи**
(Маркази — Жомбой шаҳри, райижроқўм) Жомбой ноҳияси.

**130. Иштихон округи**
(Маркази — Иштихон шаҳри, райижроқўм) Иштихон ноҳияси.

**131. Каттақўрғон қишлоқ округи**
(Маркази — Пайшанба аҳоли пункти, райижроқўм) Каттақўрғон ноҳияси.

**132. Қўшрабод округи**
(Маркази — Қўшрабод аҳоли пункти, райижроқўм) Қўшрабод ноҳияси.

**133. Нарпай округи**
(Маркази — Оқтош шаҳри, райижроқўм) Нарпай ноҳияси.

**134. Нурота округи**
(Маркази — Нурота шаҳри, райижроқўм) Нурота ноҳияси.

**135. Пайариқ округи**
(Маркази — Наримонов аҳоли пункти, райижроқўм) Пайариқ ноҳияси.

**136. Пастдарғом округи**
(Маркази — Жума шаҳри, райижроқўм) Пастдарғом ноҳияси.

**137. Пахтачи округи**
(Маркази — Знёдин шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Пахтачи ноҳияси.

**138. Самарқанд қишлоқ округи**
(Маркази — Улуғбек аҳоли пункти, райижроқўм) Самарқанд ноҳияси.

**139. Советобод округи**
(Маркази — Нуробод шаҳри райижроқўм) Советобод ноҳияси.

**140. Ургут қишлоқ округи**
(Маркази — Ургут шаҳри, райижроқўм) Ургут ноҳияси.

**141. Хатирчи округи**
(Маркази — Янгирабод аҳоли пункти, райижроқўм) Хатирчи ноҳияси.

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

**142. Термиз шаҳар округи**
(Маркази — Термиз шаҳри, шаҳар ижроқўми) Термиз шаҳри, Термиз станциясининг шаҳар посёлкаси.

**143. Денов шаҳар округи**
(Маркази — Денов шаҳри, шаҳар ижроқўми) Денов шаҳри.

**144. Олтинсой округи**
(Маркази — Карлук аҳоли пункти, райижроқўм) Олтинсой ноҳияси.

**145. Ангор округи**
(Маркази — Ангор аҳоли пункти, райижроқўм) Ангор ноҳияси.

**146. Бойсун округи**
(Маркази — Бойсун шаҳри, райижроқўм) Бойсун ноҳияси.

**147. Гагарин округи**
(Маркази — Комсомолобод аҳоли пункти, райижроқўм) Гагарин ноҳияси.

**148. Денов қишлоқ округи**
(Маркази — Денов шаҳри, райижроқўм) Денов ноҳияси.

**149. Жарқўрғон округи**
(Маркази — Жарқўрғон шаҳри, райижроқўм) Жарқўрғон ноҳияси.

**150. Қумқўрғон округи**
(Маркази — Қумқўрғон шаҳри, райижроқўм) Қумқўрғон ноҳияси.

**151. Ленин йўли округи**
(Маркази — Янгийўл аҳоли пункти, райижроқўм) Ленин йўли ноҳияси.

**152. Сариосиё округи**
(Маркази — Узун аҳоли пункти, райижроқўм) Сариосиё ноҳияси.

**153. Термиз қишлоқ округи**
(Маркази — Учқизил аҳоли пункти, райижроқўм) Термиз ноҳияси.

**154. Шеробод округи**
(Маркази — Шеробод шаҳри, райижроқўм) Шеробод ноҳияси.

**155. Шўрчи округи**
(Маркази — Шўрчи шаҳри, райижроқўм) Шўрчи ноҳияси.

### СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

**156. Гулистон шаҳар округи**
(Маркази — Гулистон шаҳри) Гулистон шаҳри, Улуғобод қишлоғи.

**157. Сирдарё шаҳар округи**
(Маркази — Сирдарё шаҳри, шаҳар ижроқўми) Сирдарё шаҳри.

**158. Ширин округи**
(Маркази — Ширин шаҳри, шаҳар ижроқўми) Ширин шаҳри.

**159. Янгиер округи**
(Маркази — Янгиер шаҳри, шаҳар ижроқўми) Янгиер шаҳри, Ховос шаҳар посёлкаси.

**160. Оқолтин округи**
(Маркази — Сардоба аҳоли пункти, райижроқўм) Оқ олтин ноҳияси.

**161. Боёвут округи**
(Маркази — Димитровское шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Боёвут ноҳияси.

**162. Ворошилов округи**
(Маркази — Верхневолинское шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Ворошилов ноҳияси.

**163. Гулистон қишлоқ округи**
(Маркази — Крестьянский шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Гулистон ноҳияси.

**164. Ильич округи**
(Маркази — Пахтаобод шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Ильич ноҳияси.

**165. Комсомол округи**
(Маркази — Янгиовул аҳоли пункти, райижроқўм) Комсомол ноҳияси.

**166. Меҳнатобод округи**
(Маркази — Қаҳрамон аҳоли пункти, райижроқўм) Меҳнатобод ноҳияси.

**167. Сирдарё қишлоқ округи**
(Маркази — Сирдарё шаҳри, райижроқўм) Сирдарё ноҳияси.

**168. Ховос округи**
(Маркази — Фарҳод аҳоли пункти, райижроқўм) Ховос ноҳияси.

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

**169. Фарғона шаҳар округи**
(Маркази — Фарғона шаҳри, шаҳар ижроқўми) Фарғона шаҳри, Ленинобод, Бешбола, Фарғона қишлоқлари.

**170. Қўқон округи**
(Маркази — Қўқон шаҳри, шаҳар ижроқўми) Қўқон шаҳри, Муқимий посёлкаси.

**171. Қува шаҳар округи**
(Маркази — Қува шаҳри, шаҳар ижроқўми) Қува шаҳри.

**172. Қувасой округи**
(Маркази — Қувасой шаҳри, шаҳар ижроқўми) Қувасой шаҳри, Дўстлик шаҳар посёлкаси, Арсиф, Волиқ, Коммуна, Муён, Кек қишлоқлари.

**173. Марғилон округи**
(Маркази — Марғилон шаҳри, шаҳар ижроқўми) Марғилон шаҳри, Комсомол шаҳар посёлкаси.

**174. Олтиариқ округи**
(Маркази — Олтиариқ шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Олтиариқ ноҳияси.

**175. Охунбобоев округи**
(Маркази — Лангар аҳоли пункти, райижроқўм) Охунбобоев ноҳияси.

**176. Боғдод округи**
(Маркази — Боғдод шаҳар округи, райижроқўм) Боғдод ноҳияси.

**177. Бувайда округи**
(Маркази — Янгиқўрғон аҳоли пункти, райижроқўм) Бувайда ноҳияси.

**178. Киров округи**
(Маркази — Бешариқ шаҳри, райижроқўм) Киров ноҳияси.

**179. Қува қишлоқ округи**
(Маркази — Қува шаҳри, райижроқўм) Қува ноҳияси.

**180. Ленинград округи**
(Маркази — Учкўприк аҳоли пункти, райижроқўм) Ленинград ноҳияси.

**181. Риштон округи**
(Маркази — Риштон шаҳри, райижроқўм) Риштон ноҳияси.

**182. Сўх округи**
(Маркази — Равон аҳоли пункти, райижроқўм) Сўх ноҳияси.

**183. Тошлоқ округи**
(Маркази — Тошлоқ шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Тошлоқ ноҳияси.

**184. Ўзбекистон округи**
(Маркази — Яйпан шаҳри, райижроқўм) Ўзбекистон ноҳияси.

**185. Фарғона қишлоқ округи**
(Маркази — Водил аҳоли пункти, райижроқўм) Фарғона ноҳияси.

**186. Фрунзе округи**
(Маркази — Данғара шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Фрунзе ноҳияси.

**187. Ёзёвон округи**
(Маркази — Ёзёвон шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Ёзёвон ноҳияси.

### ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

**188. Урганч шаҳар округи**
(Маркази — Урганч шаҳри, шаҳар ижроқўми) Урганч шаҳри.

**189. Гурлан шаҳар округи**
(Маркази — Гурлан шаҳри, шаҳар ижроқўми) Гурлан шаҳри.

**190. Дружба округи**
(Маркази — Дружба шаҳри, шаҳар ижроқўми) Дружба шаҳри.

**191. Хонқа шаҳар округи**
(Маркази — Хонқа шаҳри, шаҳар ижроқўми) Хонқа шаҳри.

**192. Хива шаҳар округи**
(Маркази — Хива шаҳри, шаҳар ижроқўми) Хива шаҳри.

**193. Шовот шаҳар округи**
(Маркази — Шовот шаҳри, шаҳар ижроқўми) Шовот шаҳри.

**194. Боғот округи**
(Маркази — Боғот аҳоли пункти, райижроқўм) Боғот ноҳияси.

**195. Гурлан қишлоқ округи**
(Маркази — Гурлан шаҳри, райижроқўм) Гурлан ноҳияси.

**196. Қўшкўпир округи**
(Маркази — Қўшкўпир шаҳри, райижроқўм) Қўшкўпир ноҳияси.

**197. Урганч қишлоқ округи**
(Маркази — Қоровул аҳоли пункти, райижроқўм) Урганч ноҳияси.

**198. Ҳазорасп округи**
(Маркази — Ҳазорасп шаҳри, райижроқўм) Ҳазорасп ноҳияси.

**199. Хонқа қишлоқ округи**
(Маркази — Хонқа шаҳри, райижроқўм) Хонқа ноҳияси.

**200. Хива қишлоқ округи**
(Маркази — Хива шаҳри, райижроқўм) Хива ноҳияси.

**201. Шовот қишлоқ округи**
(Маркази — Шовот шаҳри, райижроқўм) Шовот ноҳияси.

**202. Янгиариқ округи**
(Маркази — Янгиариқ аҳоли пункти, райижроқўм) Янгиариқ ноҳияси.

**203. Янгибозор округи**
(Маркази — Янгибозор шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Янгибозор ноҳияси.

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МССР

**204. Беруний шаҳар округи**
(Маркази — Беруний шаҳри, шаҳар ижроқўми) Беруний шаҳри.

**205. Қўнғирот шаҳар округи**
(Маркази — Қўнғирот шаҳри, шаҳар ижроқўми) Қўнғирот шаҳри, Олтинкўл шаҳар посёлкаси.

**206. Мўйноқ шаҳар округи**
(Маркази — Мўйноқ шаҳри, шаҳар ижроқўми) Мўйноқ шаҳри.

**207. Нукус шаҳар округи**
(Маркази — Нукус шаҳри, шаҳар ижроқўми) Нукус шаҳри, Қоратоғ, Қизкеткан, Пристанский шаҳар посёлкалари.

**208. Тахиатош шаҳар округи**
(Маркази — Тахиатош шаҳри, шаҳар ижроқўми) Тахиатош шаҳри.

**209. Тўрткўл шаҳар округи**
(Маркази — Тўрткўл шаҳри, шаҳар ижроқўми) Тўрткўл шаҳри.

**210. Хўжайли шаҳар округи**
(Маркази — Хўжайли шаҳри, шаҳар ижроқўми) Хўжайли шаҳри, Водник шаҳар посёлкаси.

**211. Чимбой шаҳар округи**
(Маркази — Чимбой шаҳри, шаҳар ижроқўми) Чимбой шаҳри.

**212. Амударё округи**
(Маркази — Манғит шаҳри, райижроқўм) Амударё ноҳияси.

**213. Беруний қишлоқ округи**
(Маркази — Беруний шаҳри, райижроқўм) Беруний ноҳияси.

**214. Бўзатов округи**
(Маркази — Қозонкеткан аҳоли пункти, райижроқўм) Бўзатов ноҳияси.

**215. Қораўзак округи**
(Маркази — Қораўзак шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Қораўзак ноҳияси.

**216. Кегайли округи**
(Маркази — Кегайли шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Кегайли ноҳияси.

**217. Қўнғирот қишлоқ округи**
(Маркази — Қўнғирот шаҳри, райижроқўм) Қўнғирот ноҳияси.

**218. Ленинобод округи**
(Маркази — Ленинобод шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Ленинобод ноҳияси.

**219. Мўйноқ қишлоқ округи**
(Маркази — Мўйноқ шаҳри, райижроқўм) Мўйноқ ноҳияси.

**220. Нукус қишлоқ округи**
(Маркази — Оқмангит шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Нукус ноҳияси.

**221. Тахтакўпир округи**
(Маркази — Тахтакўпир шаҳар посёлкаси, райижроқўм) Тахтакўпир ноҳияси.

**222. Тўрткўл қишлоқ округи**
(Маркази — Тўрткўл шаҳри, райижроқўм) Тўрткўл ноҳияси.

**223. Хўжайли қишлоқ округи**
(Маркази — Хўжайли шаҳри, райижроқўм) Хўжайли ноҳияси.

**224. Чимбой қишлоқ округи**
(Маркази — Чимбой шаҳри, райижроқўм) Чимбой ноҳияси.

**225. Шуманай округи**
(Маркази — Шуманай шаҳри, райижроқўм) Шуманай ноҳияси.

**226. Эллиққалъа округи**
(Маркази — Бўстон шаҳри, райижроқўм) Эллиққалъа ноҳияси.

**СССР референдуми Марказий Республика комиссиясининг Раиси Қ. АҲМЕДОВ.**

**СССР референдуми Марказий Республика комиссиясининг Котиби М. МАМАТАЗИЗОВ.**

1991 йил 26 январь.

# «ИСЛОМ ПАРТИЯСИ»НИ ТУЗИШ КИМГА ВА НИМА УЧУН КЕРАК БЎЛИБ ҚОЛДИ?

**● Қайта қуриш мамлакатимизга мусаффо тонг шабадасини олиб келди. Унинг ҳавоси етмиш йилдан кўпроқ вақтдан бери қурум босган кўнгилларни очиб юборди. Одамлар биринчи марта эркин нафас ола бошладилар. Ҳаётимизга чинакам ошкоралик, демократия, эркинлик кириб келди.**

МАЪМУРИЙ буйруқбозлик занжирлари парчаланиб кетди. Унинг ўрнига халқнинг орзу-ниятлари ушаладиган ҳақиқатни бор овоз билан баралла айтадиган, оқни оқ, қорани қора дейдиган, яъни ҳамма нарсани ўз номи билан атайдиган яхши замон келди. Минг қатла шукурки, эндиликда қайта қуриш меваларини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз: бундан йигирма-ўттиз йил эмас, қайта қуришдан олдинги тўрт-беш йилда ҳам ҳақиқатни бундай ошкора айтиш у ёқда турсин, ҳатто ўйлашга ҳам юрак бетламас эди. Таъқиблардан чўчиш эса одатдаги бир ҳолга айланганди.

Лоақал виждон эркинлигини олиб кўрайлик. Келинг, бугунги ва эртанги кунга ишонч руҳида гапираётганимиз боиси шундаки, халқимизда ўзаро бирлик, жамоатчилик ҳиссиёти кучли, бу эса ҳеч қачон, ҳеч кимни доғда қолдирмаган. Зеро, бир заминда яшаб, тақдиримизни маҳкам боғлаган эканмиз, бугунги кунимиз ва келажагимиз ҳақида ҳам қайғуришимиз зарур.

Ҳамамизга маълумки, ҳар қандай эзгу ишнинг ибтидосида, албатта, фотиҳага қўл очиб, юртимиз ва халқимиз тинч бўлсин, деймиз. Бу гапнинг тагида жуда катта маъно борлигини ва у миллий ахлоқ белгиси эканлигини унутмаслигимиз керак.

Умуман, миллатимизга, диёнатимизга хос бўлган инсоний фазилатлар ҳамиша ҳаётимизни безаб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ. Чунки бунинг бунёдкори ҳам, эъзозлаб сақловчиси ҳам халқимиздир. Лекин мамлакатимиз бошидаги таҳликали кунларда эл учун зарур бўлган, унинг дардига малҳам бўладиган ўз хизматимизни ҳаммамиз ҳам тўғри ва виждонан бажаряпмизми? Сўз ва иш бирлигига амал қиляпмиз-ми?

Мамлакатда иқтисодий қийинчиликлар ва турли хил тангликлар юз бериб турган кейинги йилларда республикамиз раҳбарияти амалга ошираётган ҳайрли ишларнинг рўёбга чиқарилиши жумҳуриятдаги барча қийинчиликларни ҳам бирданига ҳал қилиш имконини бермайди, албатта. Бунинг учун жамиятимизда фуқаролик бирдамлиги ва бу бирдамликнинг яхши ният ва мақсадлар сари дадил ҳаракати ҳам керак.

ЛЕКИН, афсуски, буни ҳамма ҳам тўғри тушунаётгани йўқ. Баъзилар ҳатто уни тушунишни ҳам хоҳламаётирлар. Шундай экан, давлатнинг диний муассасаларга, диндорларга бўлган ижобий муносабати тўғрисида айтиб ўтиш лозим. Бу ерда гап бир неча йилдан бери диний эътиқодимизда содир бўлаётган низо-ихтилофлар ҳақида бораётир. Масаланинг мураккаблиги шундаки, айрим шахслар бу ихтилофлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб, ислом ақоиди асосларини чуқур ҳис этмаган ҳолда ихтилоф йўлига қадам босмоқдалар.

Бўлаётган воқеалар кимнинг ким эканлигини янада очиқ кўрсатяпти. Халқимиз шу кунлардаги қийинчиликларимиздан фойдаланиб, жамиятда сиёсий, диний, миллий низо уйғотишга интилаётган кимсаларнинг кирдикорларини тобора кўпроқ билиб олмоқдалар.

Айрим норасмий уюшмалар раҳбарларининг хаттиҳаракати шундан далолат беряптики, улар ҳозиргача оммани чалғитиш учун найрангбозлик йўлига ўтиб олиб, энди диндор-сиёсатчилар билан ўзаро бирлашишга, бир-бирларини қўллаб-қувватлашга, зимдан тил бириктиришга киришмоқдалар. Улар диндорларга яхшиликни раво кўриш мақсадида эмас, балки улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу гап шу кунларда диний Ислом партиясини ташкил қилмоқчи бўлган одамлар билан бирлашиб, ўз фаолиятини қайта жонлантиришга интилаётган, лекин ўзлари хилма-хил гуруҳларга парчаланиб, бирон ижобий йўл топа олмаётган норасмий ташкилотларнинг раҳбарларига тегишлидир.

Ҳолбуки, диндорларнинг фикрини ифода этувчи Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг Диния бошқармаси Ислом партиясининг ташкил этилишига қаршилигини ўз вақтида билдирганди. Ўз юрти ва халқи учун жон куйдираётган кўпчилик холис кишилар ҳам динни ва жамиятимиздаги сиёсий ҳаракатларни ўз шахсий манфаатн йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кимсалардан тозалашни талаб қилмоқдалар.

Энди эътиборингизни бир мисолга қаратмоқчимиз СССРнинг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуни»га асосланиб, 1990 йилнинг 17 декабрь ва 1991 йилнинг 12 январь кунлари «Ислом уйғониш партияси» деб аталмиш уюшма вакиллари А. Ўтаев, А. Каримов, Н. Шокиров ва бошқалар шу йилнинг 26—27 январь кунларида Тошкент шаҳар халқ депутатлари Совети ижроия комитетида Тошкентда шу партиянинг республика таъсис мажлисини ўтказиш тўғрисида рухсат сўраб, мурожаат қилдилар. Бироқ Тошкент шаҳар ижроқўми 22 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1988 йил 19 августдаги, 1990 йил 21 февралдаги қарорларига биноан ҳамда Тошкент шаҳар Советининг 1989 йил 1 апрелдаги қарорига асосланиб, бу илтимосни рад этди.

Шунингдек, юқорида номлари тилга олинган норасмий уюшма ташкилотчилари халқ депутатлари Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ва шаҳар прокуратурасига ҳам таклиф этилиб, йиғилиш ва митинглارни ташкил қилиш ва уларни ўтказиш ҳақидаги тегишли қарорлар билан таништирилдилар. Улар бу қарорларга риоя қилишмаган тақдирда қонун йўли билан тегишли жавобгарликка тортилажаги уқтирилди. Аммо бу уқтиришлар кор қилмади. Шу йилнинг 26 январь куни соат 8 да Тошкент шаҳар Фрунзе районида жойлашган Тўқимачилар маданият саройида рухсат этилмаган тадбирни ўтказиш учун 300 дан кўпроқ киши тўпланди.

Шу ўринда савол туғилади: Хўш, ушбу йиғинни ўтказишга ким ҳомийлик қилди?

Йиғилганларга бу ҳаракатнинг ғайри-қонуний эканлиги тушунтирилиб, улар осойишталик билан тарқатилдилар. Юзлаб одамларни ўзларига эргаштирган Дониёр Жабборов, Абдулла Ўтаев, Адҳам Каримов, Абдураҳим Пўлатов, Абдулла Юсуповларга эса суд ҳукми билан 100 сўмдан 1000 сўмгача жарима солинди. Уларнинг бу ниятлари оқибатларига тушунмай бу ерга келган юзлаб кишилар эса огоҳлантирилди.

Шуниси ажабланарлики, рухсат этилмаган бу тадбирга фақат Андижон, Наманган ва Тошкент шаҳарларидангина кишилар қатнашиб қолмай, балки мамлакатнинг турли ҳудудларидан ҳам вакиллар иштирок этишди.

Юртимизнинг шундай нотинчлиги пайтида турли миллий ва диний оқимларга бўлинишнинг кимга кераги бор? Бундан муддао нима ўзи?

Республикамизда тарқалаётган мишмишлардан муштарийлар хабардор бўлсалар керак. Баъзи бировлар вужудга келаётган ҳар хил муаммоларни диний- иёсий партиялар тузиш йўли билан ҳал қилиш мумкин, деб ишонтиришга уринмоқдалар. Бундай кишиларни бир нарса бирлаштириб турибди. У ҳам бўлса — ҳокимиятга интилиш ва бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмасликдир. Улар диндорларни бўлиб-бўлиб юборib, бир-бирига қарши қилиб қўйишга уринишяпти. Улар мамлакатимизда кўп партиялилик қарор топаётганидан фойдаланиб қолиш, ўз мақсадларига эришиш учун ҳатто қадриятларимизни ерга уришдан ҳам қайтмаяптилар. Шу кунларда халқ орасида дин, эътиқод номи билан одамларни турли хил сиёсий йўлларга буришга интилаётган шахслар, гуруҳлар республикамизда ғайри-қонуний иш олиб бораётганликлари сир эмас.

Ҳозир «янгича партия»ни талаб қилиб чиқаётган шахслар, гуруҳлар фаолиятига тегишли баҳо бериш зарур, албатта. Бу тўғрида жумҳуриятимизнинг илм, дин аҳллари, қолаверса, кенг жамоатчилик ўз фикрларини айтишлари керак. Шунингдек, халқ ўртасида ҳозирнинг ўзидаёқ пайдо бўлган баъзи фикрлар ва хавотирликлар тўғрисида тўхталиш ҳам жоиздир.

Маълумки, диний эътиқод деганда маълум бир диннинг талабларини бажариш ва унинг илоҳий таълимотларига сидқидилдан ишониш тушунилади. Мусулмонлар учун диндорларнинг оғир аҳволи ва ечилмаган муаммоларини қурол қилиб, кўп мамлакатларда катта сиёсий тўқнашувлар келиб чиқишига сабабчи бўлдилар. «Мусулмон бирodарлари» партияси ўз сиёсий дастурида халққа қанчалик ваъдалар бермасин, ўз сўзи уддасидан чиқмади, чиқиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки сиёсат, иқтисод, дин, маданият тушунчалари қанчалик бир-бири билан боғлиқ бўлмасин, бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилишнинг ўз қонуниятлари, ўз хусусиятлари бор. Уларни шовқин-суроллар билан, сиёсий-диний экстремизм йўли билан ҳал қилиб бўлмайди.

БИЗ халқимизнинг диний эътиқодларини ғоятда ҳурмат қиламиз, уни умуминсоний маданиятнинг улкан бўлаги, деб қараймиз. Боиси — динга ишонувчи миллионлаб юртдошларимиз ўз ҳалол меҳнатлари билан юртимиз фаровонлигини таъмин этмоқдалар, жамиятимизни поклаш ишига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Шунинг учун кўпчиликнинг динга самимий эътиқодини диндан ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётганлар билан аралаштирмаслик ва бу йўлдаги ғаразли мақсадларга қарши курашиш лозим.

Ислом партиясини тузмоқчи бўлганларнинг кирдикорлари ортида нималар яширинib ётибди? Шуни айтиш керакки, бу диний оқим мақсади социалистик тузумни ағдариб, унинг ўрнига теократик диний давлат тузишдан иборат. Бу ерда кимнингдир қўли борлиги аниқ. Биламиз, бу ҳаракатлар илдизи Москвагача чўзилган. Бу у ердаги Октябрь район ижроия қўмитаси раиси Заславский томонидан қайд этилган ислом партиясидир. Заславскийнинг бунчалик жон куйдиришининг боиси нимада экан? Қачондан бери у Ислом ва мусулмонлар ҳимоячиси бўлиб қолди экан? Ҳозирча бу бизга жумбоқ.

Ана шу тузилмоқчи бўлган ислом партиясининг раиси Актаев ва унинг муовини С. Гадоевлар-чи? Бу шахслар Ўзбекистон суверен республика эканлигини ва унинг қонунларини оёқ ости қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини билишлари зарур эди. Улар яна шуни ҳам билишлари керакки, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги СССР Қонунида «Диний ташкилотлар сиёсий партиялар фаолиятида қатнашмайди», деб белгилаб қўйилган. Холисона мулоҳаза қиладиган бўлсак, жамиятимиз олдидаги вазифаларни диний ва миллий бўлиниш йўли билан эмас, аксинча, жумҳуриятимизда яшаётган барча халқларнинг диний, миллий хусусиятларидан қатъи назар, уларнинг сиёсий бирлиги, бир-бирига ишончи ва ёрдами асосидагина ҳал қилишимиз мумкин. Бу қонуниятни ҳам диний, ҳам миллий нуқтаи назардан англаб олиш ҳар биримизнинг шу кундаги сиёсий вазифамиздир. Қуръони Каримда ҳам, пайғамбар ҳадисларида ҳам одамлар ўртасига низо солиш эмас, уларни бирлаштириш савоб иш эканлиги уқтириб ўтилган-ку!

Қолаверса, қайта қуриш берган виждон эркинлиги, ошкоралик, демократияни чуқурлаштиришни наҳотки ислом партияси тузиш жазаваси ва юрганлар нотўғри тушунсалар?!

СССРнинг 1990 йил 1 октябрда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунида қонун олдида барча диндор ва динга ишонмайдиганларнинг тўла тенглиги, диний эътиқод туфайли адоват ва нафрат қўзғатишни тақиқлаш ҳақидаги фикрлар янада ривожлантирилиб, шундай дейилади: «Ҳеч ким ўз диний эътиқодларини рўкач қилиб, Қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлай олмайди». (4-модда). «Барча динлар ва диний эътиқодлар қонун олдида баравардир». «Диний ташкилотлар амалдаги қонун талабларига ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этишга мажбурдирлар». (5-модда).

Диндорлар номидан ўз манфаатини кўзлаб иш тутаётган, ўз сиёсий йўлини ўтказишга ҳаракат қилаётганлар содда кишиларни алдамяптиларми? Қонун ман этишига қарамай, маҳаллий ҳокимиятдан нега кўра бола туриб қонунга зид нарсани талаб қилмоқдалар? Янги сиёсий партия тузмоқчи бўлаётганларнинг ўзлари халққа бирон фойдали ҳиммат кўрсатишганмиди? Улар ўзи ҳақиқий диндорларми?

Муҳаммад пайғамбар: «Ҳамма одамлар — Оллоҳнинг оиласи, шу оила учун энг кўп фойда келтирган киши Оллоҳнинг энг севимли бандаси», деган эдилар. Элу-юрт, барча миллатлар, халқлар бирлиги ва аҳиллиги учун жон куйдириш ҳам қарз, ҳам фарз бўлган шу кунларда нега улар ўртамизга нифоқ, аҳилчилигимизга раҳна солишга уринмоқдалар. Йўқ, уларнинг нияти республикамиздаги ҳозирги тинч-тотув, баҳамжиҳат, якдил турмуш тарзига зарба бериш экани бизга мутлақо аён. Нафақат Москвада, балки чет элларда софдиллигимиз, якдиллигимиз, порахўрлик, ўғирлик каби иллатларга қарши курашишимизни ёқтирмаган ҳаётимизга ғаразли кўз билан қараётганларнинг қўли бор эмасмикан бунда? Бу саволлар барча зийрак кишиларни ташвишлантирмоқда.

Аммо улар ўз мақсадларига эришиш учун кўп ҳаракат қилган бўлсаларда, халқимиз бунга асло йўл қўймайди. Бугина эмас, бошқа диндаги кишиларнинг ҳам ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаймиз. «Ислом партияси» раҳнамолари бизнинг келажак сари тутаётган оқилона ва хайрли ишларимизга асло тўғаноқ бўла олмайди! Лекин динни ниқоб қилиб олиб, халқнинг ишончини суиистеъмол қилганлар ҳеч қачон муродларига етган эмаслар. Тарихда бундай мисоллар истаганча топилади.

Зеро, эркинликни истаган нарсани қилавериш, деб тушуниш хато эканлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир. Буюк алломалардан бири ўз ҳамсуҳбатига бу ҳақда шундай деган эди:

— Тўтиқушдек бир сўзга ёпишиб олиб, ҳадеб эркинлик, эркинлик, деб такрорлайверасан, қаерда ўша сен айтган эркинлик, унинг маъноси нимада? Агар ўзинг тасаввур қилган маънодаги эркинликка эришсанг, нима бўлишини биласанми? Ўша эркинлик фалсафий маънода тубсиз бўшлиқ, турмушда, амалда эса — сен ялқов, сарқитхўр бўласан. Сени, ўзинг ўйлаган маънодаги эркин кишини ҳаёт билан, одамлар билан нима боғлаб туради? Мана қушлар эркин, аммо шулар ҳам уя қуради, сен эса уя ҳам қурмайсан. Яхшироқ ўйлаб кўргин-а, эркинлик — охир-оқибатда бўшлиқ, чегарасизлик эканлигини кўрасан-қўясан. Бундан узоқроққа ҳеч ким боролмаган, ҳеч ким. Сен билан бизга йўл бўлсин! Биз ҳаммамиз яқин кишиларимиз олдидаги мажбуриятлардан эркин юришни ҳоҳлаймиз. Аслида эса худди мана шу мажбуриятларни ҳис этганимиз учун биз одам бўлганмиз. Мана шу ҳиссиётимиз бўлмаганида биз ҳайвонлар бўлиб қолардик.

Ўз манфаатини кўзлаб, «Ислом партияси» тузишга уринаётганлар элу-юрт, халқ олдидаги худди мана шу мажбуриятларини ҳис этишяптими? Бу партияни тузиш, умуман, мусулмончиликка тўғри келадими ўзи? Муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф яқинда умуман исломда партия тузиш мантиқсиз нарса эканлигини исботлаб, ислом динининг ўзи партия, Қуръони Карим эса унинг дастури эканлигини таъкидлади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг ҳақиқий мусулмонлари шу ғояни қўллаб-қувватлайдилар.

**Мутолиб УСМОНОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти «Қуръон»нинг ўзбекча академик нашрини тайёрлаш гуруҳининг раҳбари, фалсафа фанлари доктори.**

**Ҳамид ИКРОМОВ,**
**СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.**

## ● Назм дафтаридан ●

### ДЎСТ

Майсаларни дўст деб тутундим,
Ўзгармас деб бу яшил гилам.
Сариқ либос ёпинди бир пайт,
Тил топишиб саратон билан.

Майсадан-ку минг бора улкан,
Дарахтда бор, дедим, хотир, юз.
Бисотидан борини олиб
Ялангочлаб кетди қурғур куз.

Қуёш томон бурдим юзимни,
Булут тўсиб, қовоғин уйди.
Офтоб қани!
Осмондан фақат.
Ғоҳ қор ёғиб, ёмғирни қуйди.

Собит нарса оламда йўқ деб,
Яккаликда ўртанди бағир.
Ғам, ташвишлар талошларида,
Дўстсиз яшаш нақадар оғир!

Дўст дегани то сўнгги нафас,
Ўзгармаса ўзгарса жаҳон.
Уз атрини сақлаган каби
Ўй тўрида бир даста райҳон...

### ОНАМГА

Анор рангли тонглар отиб,
Меҳмон бўлди ҳаяжон.
Айтганларинг бўй кўрсатиб,
Насиб қилди, онажон!

Гард инмаган бу кун тонгни,
Суйиб қучгим келади.
Ҳузурингга соғингандан
Қушдай учгим келади.

Ахир, ўзинг бир қалб бердинг,
Гуриллаган оловдир.
Умр деган қисқа фасл
Етакчиси — яловдир!

Билиб-билмай бу ҳаётнинг
Ўйлайвериб ўйини,
Куйлай дейман, боболарнинг
Адо бўлмас куйини!

Бу азобнинг сирин билиб,
Бир кун тушарман изга.
Шунда шодлик, ташвишларим
Сўзлаб бераман сизга!

### ЖИЛҒА

Жилға ҳам уйғонди секин милдираб,
Болакай мисоли чопди пилдираб.
Сукунат олами ичра бир қўшиқ
Жилғалар тилида куйлар чулдираб.

Чулдираб боради оппоқ қор ҳақда,
Ҳали ҳам музликлар бор деб у ёқда.
Қуёшли бу юртга азалдан ошиқ,
Майсалар ватани, дея, қаёқда!

Чулдираб боради хайр, деб, тоғлар.
Қайдасиз беҳудуд эй азим боғлар.
Муз олам қалбимни қилган порадир,
Яшиллик дунёсин туш кўрган чоғлар.

Чулдираб боради дилда кўп изҳор,
Жилғанинг шаштига қучоқлари тор.
Шунчалик у тўлиб-тошиб боради,
Тилига тушунгай биргина баҳор!

Чулдираб боради бош оққан томон.
Олдинда нелар бор кўрсатар замон —
Опичлаб, аввалаб уни яратган,
Диёри бахтига бўлсин соғ-омон.

Балки бу — табиат берган имкондир,
Жилға ҳам кимгадир маҳрами жондир.
Фарзанддай эркалаб уни куйлатган,
Қуёшли она юрт — Ўзбекистондир!

Ўткир РАҲМАТ.

### БОБУР НИДОЛАРИ

Андижон, Самарқанд, Ахсини қўмсаб,
Соғинч илинжида сарғаяр умр.
Баъзан йиғини хуш кўраман, ажаб
Ана шу томчида Ватан кўринур.

Кўзим қарағида Ватан кўринур,
Қулф ура бошлайди дилимда ҳавас.
Орзу уммонида ўтаркан умр,
Ватан ҳисларини асраб муқаддас.

* * *

Мен ғамга тегирмон ясай бошладим,
Унинг ғалласини янчмоғим керак.
Мусибат дардини ошай бошладим,
Курмак қавғасини очмоғим керак.

Биламан юрагим сари югурик —
Қон эмас, айланур дарднинг ҳосили.
Наҳот, юрт доғида то ҳануз тирик
Юрибман ҳаёлий нурга осилиб.

* * *

Урушлар, нураш лар эсар бўй-бўйлаб,
Мамлакат вайрондир, дилим вайрондир.
Юртимнинг эртанги қадрини ўйлаб,
Умидим ҳайрондир, тилим ҳайрондир.

Оламнинг этаги сўкилиб борар,
Насибам яримлар, юзим заъфарон.
Не қилай, юрагим тўкилиб борар,
Яқинми дейман-ей борар ул макон.

* * *

Она юрт ҳажрида тугаркан бардош,
Ялпоқдай тўкилар дўсту қаридош.
Қайсар набирангинг кўзида ҳам ёш,
Бобом Амир Темур, қўллагин ўзинг.

Шажаранг бандида бутун жонингман,
Ҳинд сори юзланган бир ғолибингман.
Юрт дея сарғайган ул Бобурингман,
Бобом Амир Темур, қўллагин ўзинг.

* * *

Умид қўлдан кетди, эл қўлдан кетди,
Қулаётган қалъа — менинг юрагим.
Таянган тоғойим бошимга етди,
Қулаётган қалъа — менинг юрагим.

Тўрт томоним қибла — тентирайман мен,
Қулаётган қалъа — менинг юрагим.
Чинор ялпоғидек титрагайман мен,
Қулаётган қалъа — менинг юрагим.

* * *

Илдизи кесилган дарахтман, дарахт,
Бош қўйдим пойингга мисоли карахт.
Насиб қилармикин сенга қайтиш бахт,
Хуш қол энди сен ҳам, Ҳисор қалъаси!

Жоним қолур, жисмим олиб кетурман,
Бу дунёдан соғинч билан ўтурман,
Замнимдан айри тушган Бобурман,
Хуш қол энди сен ҳам, Ҳисор қалъаси!

* * *

Она юрт насими эсар-ей оғир,
Эл-улус ноласи эзар-ей бағир,
Қўш дарё ораси қолди-ей сағир,
Кимларга дарвоза очдинг-а, халқим!

Ул ноқас хазинанг қаърини тутди,
Шаробнинг дардида ўзин унутди,
Тандаги илигинг сўриб қуритди,
Кимларга дарвоза очдинг-а, халқим!

Мирза КАРИМ.

### ҚИШЛОҚ ОҚШОМИ

Шундоққина қирнинг этаги қишлоқ,
Тупроқ кўчалари, дала-боғлари,
Саратон рангини олган ушбу чоғ
Секин тўлишмоқда ойнинг доғлари.

Бир қўшиқ куйларкан дилбару шўх-шан,
Даладан уйига қайтмоқда сувчи,
Бедазор тарафдан майин таралган
Бир бўйки, юракни тўлқинлатувчи.

Сулув қиз ўчоққа олов ёқмоқда,
Қалбида қўшиғи... фақат ўшанга...
Кўзи соғинч тўла ҳарён боқмоқда,
Олмазор — бир сулув шоҳи гўшанга.

Бир жуфт юлдуз учар толнинг остига,
Бағрига олади уларни анҳор.
Аҳмад чол бу кеча ухламас сира,
Ана, қаердадир ёрилди анор...

Очил ХУДОЙБЕРДИЕВ.


## ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

СБЕРЕГАТЕЛЬНЫЙ БАНК СССР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

1947—56 йилларда чиқарилган Давлат заёми облигацияларининг ҳақини тўлаб қабул қилиб олиш муддати

**1991 ЙИЛ 15 ДЕКАБРГАЧА УЗАЙТИРИЛДИ**

Облигациялар жумҳурият жамғармалар банкининг барча муассасаларида сотиб олинмоқда.

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ.**

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

**24 ФЕВРАЛЬ, СОАТ 19.30 ДА**

**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист**

ФАХРИДДИН УМАРОВ

Тошкент вилояти Ленин комсомоли мукофотининг совриндори

ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ
**иштирокида**

***К О Н Ц Е Р Т***

**Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.**

**В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА**

**14, 15 февраль соат 17.00 ва 20.00 да**

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

**НАСИБА АБДУЛЛАЕВА**
**ва**
**«САМАРҚАНД» АНСАМБЛИНИНГ**

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

**Ансамблнинг бадиий раҳбари — Баҳром АБДУЛЛАЕВ.**

**Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.**

**Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.**

## Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/I да **Алишер Навоий.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/I да **Жар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 30/I да **Муҳаббат наъмаси**, 31/I да **Ака-ука совчилар**, 1/II да **Юсуф ва Зулайхо.**

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/I да **Майсаранинг иши**, 31/I да **Фармонбиби аразлади.**



**Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.**

**Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.**

**БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:** *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

**БЎЛИМЛАР:** муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ -одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
**ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:** Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

**«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»**
**(«Советский Узбекистан»)**
**Орган ЦК Компартии Узбекистана**

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 4720.

№ 21. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12